КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1983 ЙИЛ ИЮНЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 134 (8124). | 16 июль, 1983 йил, | ШАНБА | Баҳоси 3 тийин.

1986 ЙИЛ ҲИСОБИГА

ЕШ КОММУНИСТ Садри Инонов пойтахтимиздаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг энг яхши бичиқчиларидан бири. Республикамизда кенг қулоч ёйган ташаббус асосида ишлаётган моҳир бичиқчи беш йилда икки беш йилликни бажариш учун курашиб, ажойиб меҳнат ғалабасини қўлга киритди.

Ҳамкасб ўртоқлари Садрини беш йилликни муваффақиятли бажариб, навбатдаги беш йиллик ҳисобини очганлиги билан қизғин табрикладилар. Моҳир ишчи пойтахт юбилейигача яна ярим йиллик ҳажмдаги ишни бажариш мажбуриятини олди. У шу кунларда смена топшириғини муттасил икки-икки ярим ҳиссадан адо этмоқда.

Садри Иноновнинг илғор усулини қўллаётган шогирдлари Роберт Игнатьев, Маъмуржон Отаев, Надежда Турко каби ғайратли ва ташаббускор ёшлар ҳам шахсий беш йиллик планларини бажариш бўсағасида турибдилар.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларидан бениҳоя руҳланган, илғорларни фидокорона ва зарбдорларча меҳнатига таянган бичиш цехи коллективи йиллик топшириқни муддатидан бир ой илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб юборди.

Н. ЖУРАЕВА.

БУТУН КУЧ—СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШГА

ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИДАН

БУКА. 15 июль: область қишлоқ хўжалик ходимлари кенгаши президиуми. В. Портнов фотоси.

КЕЧА Бўкада Тошкент область қишлоқ хўжалиги ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда партия, совет, қишлоқ хўжалиги, тайёрлов органлари, колхозлар, совхозларнинг раҳбарлари, хўжалик бошланғич партия ташкилотлари секретарлари иштирок этдилар.

Кенгашни Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов қисқача кириш нутқи билан очди.

Халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг раиси Т. А. АЛИМОВ «Пахтадан мўл ва эртаги, сифатли ҳосил етиштиришни таъминлаш, йиғим-теримга ва маҳсулотни қайта ишлашга тайёргарлик кўриш, область қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг 1983 йил учун олган социалистик мажбуриятларининг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш тадбирлари тўғрисида» доклад қилди.

— Бутун совет халқи қатори областимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳам,— деди ўртоқ Т. А. Алимов,— партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг май ва ноябрь (1982 йил) Пленумлари тарихий қарорларини ҳаётга изчил тадбиқ этмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган ёрқин, чуқур мазмунли нутқи уларнинг сиёсий ва меҳнат активлиги, ижодий ташаббускорликларини янада жўш урдириб юборди.

Областимиз колхоз ва совхозлари, район агросаноат бирлашмалари, тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари коллективлари партия ташкилотлари раҳбарлигида ўн биринчи беш йилликнинг марказий йилида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда янги, янада юксак марраларни эгаллашга бел боғлаганлар.

Деҳқонларимиз қишлоқ хўжалиги экинларини планда белгиланган майдонларга қулай агротехника муддатларида экиб, уларнинг парваришини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар.

Пиллакорларимиз бу йил зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларни ортиғи билан бажардилар. Ғаллакорларимиз давлатга 23 минг тоннага яқин дон сотиб, белгиланган планни муваффақиятли адо этдилар.

Дон етиштиришни кўпайтиришга маккажўхорикорлар муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Областимизда дон учун етиштирилаётган маккажўхоризорлар майдони муттасил кенгайтирилиб, бу йил 30 минг гектарга етказилди. Ҳозир маккажўхори парваришини қизғин давом эттиришни билан бир қаторда унинг ҳосилини йиғиштириб олишга тайёргарлик кўриш ишлари кучайтириб юборилган.

Бу соҳада олдимизда турган улкан ва масъулиятли вазифалар куни кеча Коммунистик ва Паркент районлари маккажўхорикорларининг кенгашида атрофлича муҳокама этилди. Барча колхоз ва совхозларда Коммунистик райони маккажўхорикорларининг ҳар гектар ердан 100 центнердан дон етиштириш юзасидан бошлаб берган ташаббуслари қизғин қўллаб-қувватланмоқда. 100 центнерчи маккажўхорикорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Сабзавоткор ва соҳибкорларимиз экинлар, боғ-роғлар парваришини пухта йўлга қўйиб, айни пайтда пишиб етилган ҳосилни халқ дастурхонига тортиқ қиляптилар. Ҳозиргача областимизда 177 минг тонна сабзавот, 50 минг тоннага яқин картошка, 30 минг тонна мева тайёрланди. Шундан 66 минг тоннаси Тошкент шаҳри аҳолисига, 110 минг тоннаси Умумиттифоқ фондига етказиб берилди. Бунга Калинин, Тошкент, Оржоникидзе районлари хўжаликлари салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Калинин районидаги Қуйбишев номли ва «Москва» колхозлари ҳозирнинг ўзида давлатга сабзавот сотиш бўйича йиллик планни бажариб қўйиб, юксак социалистик мажбуриятлар ҳисобига маҳсулот топшириш давом эттирмоқдалар. Калинин, Оққўрғон, Бўка, Ўрта Чирчиқ районларида давлатга мева сотиш планлари адо этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети областимиз деҳқонларининг картошка етиштиришни кўпайтириш бўйича белгиланган тадбирларини маъқуллаган эди. Улар бу қимматли озиқ-овқат маҳсулоти етиштиришни кескин кўпайтириш учун барча чораларни кўрмоқдалар. Айниқса, Тошкент районида картошкачиликни ривожлантиришга катта эътибор бериляпти. Район деҳқонлари ҳозирнинг ўзида давлатга пландаги 15 минг тонна ўрнига 20 минг тонна картошка сотдилар. Калинин, Ғалаба, Бекобод районларида ҳам картошка тайёрлаш бўйича белгиланган йиллик планлар адо этилди.

(Давоми 2-бетда)

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Ю. В. Андропов бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясининг Ж. Марше бошчилигидаги Франция Коммунистик партияси делегацияси билан учрашуви якунларини кўриб чиқди.

Сиёсий бюро КПСС ва ФКП делегацияларининг қўшма баёнотини маъқуллаб, бу учрашув ва унда қабул қилинган ҳужжат ҳар икки партия ўртасидаги дўстона ва биродарлик муносабатларини ривожлантириш, уларнинг ҳозирги халқаро аҳволга доир энг муҳим масалаларга ёндошувидаги бирликни чуқурлаштириш учун, тинчлик йўлидаги ва кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш йўлидаги кураш учун катта аҳамиятга молик эканлигини таъкидлади. Совет ва француз халқларининг манфаатлари, шунингдек Европада ва бутун жаҳонда тинчлик ҳамда ҳавфсизлик манфаатлари СССР билан Франция ўртасида, ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасида ҳамжиҳатлик, дўстлик ва ҳамкорлик бўлишини талаб этаётганлиги хусусида КПСС ва ФКП қарашларининг бир-бирига мос келганлиги мамнуният билан қайд этилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида саноатдаги ишлаб чиқариш бирлашмалари (корхоналар)нинг планлаштириш ва хўжалик фаолиятини соҳасидаги ҳуқуқларини кенгайтириш ва ишнинг натижалари учун уларнинг жавобгарлигини ошириш борасидаги қўшимча тадбирлар кўриб чиқилди. Партия XXVI съездининг ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг хўжалик механизмини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорларидан келиб чиқадиган бу тадбирлар корхоналар, министрликлар ва идораларнинг иттифоқдош республикаларнинг раҳбарлари, илмий ходимлар ва мутахассис-практикларни кенг жалб этилган ҳолда ишлаб чиқилди. Бу тадбирларда корхоналарнинг директорлари ва олимлар томонидан изҳор қилинган таклифлар, шунингдек матбуот саҳифаларида эълон қилинган танқидий мулоҳаза ва таклифлар ўз ифодасини топди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг шу масала юзасидан қабул қилинган қарорида ва ҳукуматнинг тегишли қарорларида саноатдаги асосий бўғин— ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарнинг фаолиятини планлаштиришни яхшилаш, сифатли, юксак даражада унумли меҳнат қилишни, ташаббус ва социалистик омилкорликни рағбатлантирадиган, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни, ишлаб чиқаришни интенсивлашни таъминлайдиган шарт-шароитларни вужудга келтириш белгиланди. Бу тадбирлар халқ хўжалигига раҳбарлик қилишда демократик асосларни ривожлантириш билан, корхоналарни ва бирлашмаларни бошқаришда меҳнат коллективларининг ролини ошириш билан, хўжалик ҳисобини кенг жорий қилиш билан бирга қўшиб олиб бориб экономикани марказлаштирилган ҳолда яна такомиллаштириш ва мустаҳкамлашни кўзда тутади. Шу мақсадда саноатнинг бир қанча тармоқларида планлаштириш ва хўжалик фаолияти соҳасида ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, иш натижалари учун уларнинг жавобгарлигини ошириш борасида иқтисодий тажриба ўтказиш кўзда тутилди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қарорининг баёни марказий матбуотда эълон қилинади.

Атом электр станциялари қурилиши ва улардан фойдаланиш гоят кенгайтириб юборилганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси СССР Министрлар Советининг бундай электр станцияларининг пухталиги ва хавфсизлигини ошириш борасидаги қўшимча тадбирлар тўғрисидаги, шунингдек атом энергетикасида хавф-хатарсиз иш олиб боришини назорат қилувчи СССР Давлат комитетини тузиш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги таклифларини маъқуллади.

Сиёсий бюро Волгодонск шаҳрида ишлаб чиқариш объектлари ва социал-маданий объектларни лойиҳалаштириш, қуриш ва ишга тушириш вақтида айрим министрликлар, идоралар ва уларга бўйсунган ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан давлат интизомининг кўпол равишда бузилганлиги, тўғрисида КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети ва СССР Халқ контроли комитетининг ахборотини тинглади. Бундай бузишларда айбдор бўлган мансабдор шахсларга қаттиқ жазо берилди. СССР Министрлар Совети, тегишли министрликлар ва идоралар, маҳаллий партия ва давлат органлари шаҳардаги саноат объектларини ва социал-маданий объектларни лойиҳалаш ҳамда қуриш вақтида рўй берган камчиликларнинг оқибатларини тугатиш учун зарур чораларни кўришлари эътиборга олинди.

Сиёсий бюронинг мажлисида КПСС Марказий Комитетида Ж. Хауи бошчилигидаги Ливан Коммунистик партияси делегацияси билан ўтказилган учрашув тўғрисидаги ахборот кўриб чиқилди. Мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига доир бошқа баъзи масалалар муҳокама қилинди.

ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИ КЕНГАШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар, дўстлар!

Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили катта меҳнат ғалабаларига бой бўлмоқда. Область меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь, 1983 йил июнь Пленумлари қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг кўрсатмаларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, барча совет кишилари сингари 1983 йил социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун кенг кўламда кураш олиб бормоқдалар.

Ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай партия комитетлари, совет, касаба союзлари, комсомол, хўжалик органлари томонидан олиб борилган катта ташкилотчилик ва сиёсий ишлар туфайли, деҳқонлар ва чорвадорларнинг фидокорона меҳнати натижасида областда давлатга пилла сотиш социалистик мажбуриятлари, гўшт, тухум тайёрлаш ярим йиллик планлари муддатидан илгари бажарилди. Сут, сабзавот, картошка ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари топшириш ўтган йилдагига нисбатан жадал суръатларда давом эттирилмоқда.

Бизнинг ажойиб пахтакорларимиз зарбдорларча меҳнат қилмоқдалар. Улар ҳамма ерда пахтадан мўл, эртаги ва сифатли ҳосил етиштириш учун ғўза парваришини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Ғаллакорлар ва лубкорлар, картошкакорлар ва сабзавоткорлар, боғбон ва соҳибкорлар, чорвадорлар ва озуқа етиштириш бригадаларининг коллективлари ўзларининг куч-ғайратларини, имкониятларини маҳсулот етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашга сафарбар этмоқдалар.

Ҳозир пахтадан мўл ва эртаги ҳосил етиштириш учун курашда энг масъулиятли ва ҳал қилувчи дамлар бошланди. Кўзланган марраларни эгаллаш учун ҳали кўп ва яна ҳам қизғин меҳнат қилишимиз керак. Бизнинг ҳар биримиз мавжуд сув ресурсларидан, техникадан, ўғитлардан, зараркунандаларга қарши курашнинг биологик ҳамда кимёвий воситаларидан самарали фойдаланишимиз лозим. Ана шундай масъулиятли ва ҳал қилувчи дамларда биз область қишлоқ хўжалиги ходимлари кенгаши қатнашчилари:

ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИ, «СЕЛЬХОЗТЕХНИКА» КОРХОНАЛАРИ ХОДИМЛАРИ, ШОНЛИ ПАХТАКОРЛАР, СИЗЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛАМИЗ.

Июль ва август ойларининг қолган кунларини барча хўжаликлар, бригадалар коллективларида зарбдор иш кунлари деб эълон қилайлик. Парвариш ишларини шундай ташкил қилиш керакки, 15 августга қадар ҳар бир ғўза тупида кам деганда 10—12 тадан бўлиқ кўсак ҳосил бўлсин.

Тошкент технологиясини янада такомиллаштириб ғўза парваришини бутун чоралар билан кучайтиринглар. Айниқса, қолоқ участкаларга алоҳида эътибор бериш лозим. Қатор оралариға юксак сифатли ишлов берилишини таъминланглар.

Далалар юмшоқ, бир текис захлатилган ва бегона ўтдан тоза ҳолда сақланган. Далаларга 15 августгача яхшилаб чиритилиб тайёрланган маҳаллий ўғит солишни давом эттиринг. Ҳар бир кўсакнинг бўлиқ етилиши ва толасининг сифатли бўлишини таъминланглар.

Ҳар бир колхоз ва совхозда етарли миқдорда тажрибали кузатувчилар ажратинг, ғўза пайкалларини мунтазам кузатиб борилишини намунали уюштиринг. Зараркунанда ҳашаротлар, айниқса, ўргимчаккана ва кўсак қўрти тарқалган участкаларни ўз вақтида аниқлаб, уларни бутунлай қириб ташлашнинг самарали чораларини кўринг. Ҳашаротга қарши курашда трактор аппаратлари ҳамда биологик усуллан, мавжуд биофабрикалар қувватидан самарали фойдаланинг. Катта меҳнатлар эвазига етиштирилган ҳар бир шона, гул, кўсакни сақлаб қолинг.

Ҳамма ерда дефолиацияга тайёргарликни яхши ўтказиб, ғўза баргини асосан трактор пуркагичларидан самарали фойдаланиб тўла тўкилишини таъминланг. Бунга биринчи дефолиациядаёқ эришиш лозим. Ана шунда терим агрегатларига кенг иш фронти очилади. Пахтани ёғин-сочинли кунларга қолдирмай қисқа муддатларда йиғиб-териб олиб, давлатга топшириш тадбирларини пухта белгиланглар. 1 августга қадар ҳар бир хўжаликда йўл, пахтани қуритиш майдонлари, мавжуд пахта териш техникалари ва қуритиш-тозалаш цехларини ремонт қилиш ва тайёрлашни тугаллангиз. Албатта бу ишлар сифатли бажарилиши ва бунга кафолат берувчи талонлар бўлиши шарт. Пахта йиғим-теримнини икки сменада ташкил этишни мўлжаллаб техника воситаларини механизатор кадрларга биркитиб қўйингиз.

Ҳар бир хўжаликда ҳосилни ўз кучлари билан 20—25 кунда йиғиб-териб олишга, пахтанинг камида 90 процентини машинада териб, 80-85 процентини биринчи сортга топширишга эришингиз.

Етарли миқдорда пахта топширувчиларни ўз вақтида тайёрлаб қўйинг. Пахта тайёрлашнинг қонун-қоидалари ва янги ГОСТ шартлари бўйича уларнинг ўқувини ташкил этинг. 1983 йил пахта ҳосилини бригадалар бўйича топшириш ва қабул қилиш усулини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни амалга оширинг.

МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР! ДАЛАЛАРИМИЗНИНГ ШОНЛИ ГВАРДИЯЧИЛАРИ!

Техникани юксак унум билан ишлатингиз. Унинг бирор дақиқа ҳам бекор туриб қолишига йўл қўймангиз. Ишчи органлари тўла ўрнатилган культиваторлар билан ҳар 10—12 кунда бир марта ғўза қатор ораларини юмшатишга эришингиз. Культивация билан бир йўла органик ўғит солишни унутманг. Айниқса ғўзаси ривожланишдан орқада қолаётган далаларга эътиборни кучайтиринг, мавжуд кўчатларни тўла сақлаб қолишга эришинг.

ҲОСИЛ ЗАРГАРЛАРИ БЎЛГАН ҚАДРЛИ СУВЧИЛАР, БИЗ СИЗЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛАМИЗ.

Ишда юксак уюшқоқлик намуналарини кўрсатингиз. Суғоришни кечасию-кундузи ташкил этинг. Ғўзанинг чанқаб қолиши ёки кўлашига асло йўл қўймангиз. Шарбат суви беришда илғор усулни ва механизацияни қўллангиз. Сувдан тежамли фойдаланинг. Майдоннинг ҳамма ери бир текис захласин. Суғоришни группа усулида ташкил этинг. Эгатлар қисқа олинган бўлсин. Шундай қилсангиз тупроқнинг бир текис етилиши ва культиваторларнинг сифатли ишлаши учун қулай шароит яратиб берган бўласиз.

ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ХОДИМЛАРИ, БИЗ СИЗЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛАМИЗ!

Пахта заводлари ва пахта тайёрлаш пунктларини янги ҳосилни қабул қилиб олишга ўз вақтида намунали ҳозирлаб қўйингиз. Бу йил қуритиш-тозалаш цехларининг бетўхтов ишлашини таъминлаш, хом ашёни қабул қилиб олиш ва қайта ишлашда илғор технологияни кенг қўлланиш ва ана шу асосда хом ашёни қайта ишлашни 3—4 ойда тугаллашга, толанинг анча қўпайишига, кам деганда 80—82 процентини биринчи сорт бўлишига эришиш сизларнинг жанговар бурчингиздир. Асосий эътиборни колхоз ва совхозларни кейинги йил ҳосили учун юқори классли уруғ билан таъминлашга қаратинг. Шу мақсадда уруғлик пахтани тайёрлаш, намунали сақлаш ва қайта ишлашни сифатли амалга оширишга жиддий эътибор беринглар.

ҚАДРЛИ ДЕҲҚОНЛАР!

Коммунистик райони маккажўхорикорлари ташаббусига актив қўшилинг, кенг оммалаштиринг. Бу йил ҳар бир хўжалик, бригадада гектаридан кам деганда 100 центнердан маккажўхори дони олиш учун ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдиринг. Етиштирилган ҳосилни йиғиб олишни қисқа муддатларда нобудгарчиликсиз ўтказилишига эришиш учун намунали тайёргарлик кўрилишини таъмин этинг. Сурхондарёлик деҳқонларнинг бир йилда бир майдондан икки марта дон ҳосили олиш тажрибасини кенг қўлланг.

Далаларда иш суръати ва сифатини бутун чоралар билан кучайтиринг. Шоли, сабзавот, қовун-тарвуз, картошка экинлари, боғ ва токзорлар парваришини намунали йўлга қўйинг. Етиштирилган барча маҳсулотнинг ўз вақтида нобуд қилинмасдан йиғиб олиниб, топширилишига эришингиз.

Бу йил ҳар гектаридан кам деганда 60—70 центнердан шоли, 200—220 центнердан картошка, қовун-тарвуз, мева, узум, 350—400 центнердан сабзавот ҳосили олиш учун зарур бўлган барча тадбирларни амалга оширинг.

Тошкент районидаги К. Маркс номли колхознинг Ж. Раҳбаров бошлиқ сабзавотчилик бригадаси тажрибаси асосида ҳамма ерда плёнка тагига сабзавот ва картошка экишни кенг қўламда ва шу йўл билан бир йилда 2—3 ҳосил олишга эришинг.

ҚАДРЛИ ЧОРВАДОР ЎРТОҚЛАР, ОЗУҚАЧИЛИК БРИГАДАЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ!

КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорларига жавобан барча фермалар, хўжаликлар ва районларда 1983 йилда чорвачиликни ривожлантириш бўйича белгиланган тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминланг, ғўшт етиштириш суръатини 20 процент, сут етиштиришни 15 процент, тухум етиштиришни 25 процент кўпайтирилишига эришинг. сизларнинг бурчингиздир.

Чорва молларини боқиш ва асраш шарт-шароитларини яхшилаш, мол ва паррандалар маҳсулдорлигини ошириш, қуриб ишга туширилган комплекслар, чорвачилик фермалари ва паррандачилик фабрикалари қувватидан тўлароқ фойдаланиш чораларини кўринглар.

Озуқа экинларини намунали парвариш қилиб, озуқа етиштириш, ўриб-йиғиб олиш, тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлашда илғор технологияни кенг қўлланглар. Ҳар бир хўжаликда суғориладиган ерлардан 200—250 центнердан беда пичани, 800—1000 центнердан маккажўхори силоси кўк массаси ва озуқа лавлагиси олишга эришингиз. Ҳамма ерда оралиқ экинлар — рапс, перко, жавдар, сули каби экинларни экишни ўз вақтида ўтказишга қаратилган тадбирларни амалга оширингиз. Ҳар бир фермада қишловни муваффақиятли ўтказиш учун икки йиллик миқдорда сифатли озуқа запасига эга бўлишни таъминланг.

ШАҲАРЛАР ВА РАЙОНЛАР МАРКАЗЛАРИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ ВА БОШҚА ТАШКИЛОТЛАР БАРЧА КОЛЛЕКТИВЛАРИ, БИЗ СИЗЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛАМИЗ!

«Ўроқ ва Болға» Иттифоқини бутун чоралар билан мустаҳкамлаб, қишлоқ хўжалигига техника воситалари, энтиғ қисмлар, минерал ўғитларни ўз вақтида ва етарли миқдорда етказиб беришни таъминланглар. Иш суръатини кучайтиринг, қишлоқда турар-жой, ишлаб чиқариш ва маданий-маиший хизмат кўрсатувчи объектларни белгиланган муддатларда сифатли қилиб қуриб, ўз вақтида фойдаланишга топширинглар. Техника воситаларини ремонт қилиш, чорвачилик биноларини, дала шийпонлари, озуқа цехлари ва линияларини қуриш, озуқа тайёрлаш, етиштирилган картошка, сабзавот, мева ва бошқа маҳсулотларни йиғиб-териб олиш ишларида колхоз ва совхозларга бериладиган ёрдамни кучайтиринглар. Мамлакат Озиқ-овқат программасини бажариш умумхалқ иши эканини унутмангиз.

* * *

Биз, қишлоқ хўжалиги ходимлари кенгаши қатнашчилари область меҳнаткашлари 1983 йилда пахта ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажариш учун куч-ғайратларини аямайдилар, мамлакат Озиқ-овқат программасининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшадилар деб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ишонтирамиз.

Мурожаат Тошкент области қишлоқ хўжалиги ходимларининг 1983 йил 15 июлда бўлиб ўтган кенгашида қабул этилган.

БУТУН КУЧ—СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШГА

(Боши 1-бетда).

Калинин районидаги «Қорасув» ва «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозлари, Калинин номли ва «Партия XX съезди», Тошкент районидаги «Ленин йўли», Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозлари ва «СССР 60 йиллиги» совхозининг кўпгина бригадаларида эртаги ва ўртаги картошкадан 200—250 центнердан ҳосил олинмоқда. Айни пайтда областимизда 6500 гектар ерга экилган кечки картошкадан ҳам мўл ҳосил олиш учун экин парвариши юксак агротехника қоидалари асосида ташкил этилган.

Чорвачилик ва унинг озуқа базасини жадал ривожлантириш Озиқ-овқат программасини амалга оширишнинг ҳал қилувчи омилларидан биридир. Бу соҳада олдимизда турган вазифалар область партия комитетининг 8 июлда бўлиб ўтган Пленумида кўриб чиқилди. Асосий эътибор чорвачиликни ривожлантириш учун мавжуд резерв ва имкониятларни ишга солишга қаратилди.

Пахта етиштиришни муттасил кўпайтириш, унинг сифатини ошириш, — деб давом этди докладчи, — бутун республикамиз меҳнаткашлари, область партия ташкилотлари олдидаги энг муҳим ва шарафли вазифадир. Ҳозирги шароитда бу масалага ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор бериш керак. Ҳар бир гектардан олинадиган ҳосилни ошириш, ғўзанинг ҳосилдорлигини кўтариш — ана шу йўл билан биз ҳар бир гектар ердан кўпроқ пахта олишимиз, ҳар бир центнер пахтанинг таннархини камайтиришимиз мумкин.

Ўтган йилнинг кузида ғўзанинг ҳосилдорлиги ҳар гектардан 30 центнер бўлган районларда ҳозир ўртача 1-3 тадан кўсак бор. Илғор хўжалик ва бригадаларда эса ғўзалардаги кўсакларнинг ўртача сони 3-4 таданни ташкил этади. Пахтакорларимизнинг чинакамига қаҳрамонона меҳнати билан область бўйича шу кунга қадар ҳар гектар ерда ўртача 112 мингга яқин ғўза кўчати сақлаб қолинди.

Аммо сал бўлса-да, хотиржамликка берилиш учун мутлақо асос йўқ. Қатор хўжаликларда, айрим районларда ҳали гектарларнинг тўлиқ, кўчатларнинг бут бўлишига эришилмаган. Бир пайкалнинг ўзида ўсиши ва ривожланиши турлича бўлган: шоналаётган, гуллаётган, кўсак тугаётган ғўзаларни учратиш мумкин.

Коммунистик районидаги Свердлов номли, Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли, Ўрта Чирчиқ районидаги К. Маркс номли ва «Северний маяк», Чиноз районидаги «Москва» колхозларида, Ғалаба районидаги Киров номли ўқув хўжалиги ва «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, Пискент районидаги Калинин номли ва «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхозларда, Бекобод районидаги Мавлонов номли ва Бўка районидаги «Бўка» совхозларида ҳамда қатор бошқа хўжаликларда кўчатлар қалинлиги, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши шу куннинг талабига жавоб берарли даражада эмас.

Ана шундай шароитда кўпчилик районлар ва хўжаликларда июль ва августни ғўза парваришида, ҳосил тўплашда зарбдор 60 кун деб эълон қилинганлигини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш лозим. Мавжуд кўчатларни тўла сақлаб қолиш, улардаги ҳосилни кўпайтириш, кўсакка кўсак қўшиш шу кунлардаги энг муҳим вазифамиздир.

Чилла — ғўза қуёш тафтидан баҳра оладиган, ҳосилига ҳосил қўшадиган даврдир. Бу жазирама кунларда пахтазорларни оби-тобида суғориш, бирор туп ғўзани чўлатиб қўймаслик жуда муҳимдир. Бунинг учун хўжаликларда сувчилар сони кўпайтирилиши, уларнинг унумли меҳнат қилишларига барча шароитлар яратилиши, моддий манфаатдорликлар оширилиши керак. Лекин ҳамма колхоз ва совхозларда ҳам ғўзани суғоришга етарли миқдорда сувчилар ажратилган деб бўлмайди. Баъзи жойларда ғўзани чанқатиб қўйиш ҳоллари учраб турибди. Сув танқис бўлган бу йилги шароитда оби-ҳаётнинг ҳар томчиси ҳосил учун хизмат қилиши керак. Суғориш учун оқова сувлардан фойдаланиш, қўшимча сув манбаларини қидириб топиш талаб қилинади.

Тупроқдаги намни сақлашда, пахта ҳосилдорлигини оширишда маҳаллий ўғитларнинг ҳосияти ҳар бир деҳқонга жуда яхши маълум. Шу кунларда суғоришни шарбат усулида ташкил этиш, чириган ва майдаланган гўнгни пахтазорларга солишни кенг йўлга қўйиш лозим.

Далаларда қишлоқ хўжалик зараркунандалари, айниқса, ўргимчаккана ва кўсак қуртининг тарқалиши ҳоллари учраб турибди. Шунинг учун бригадалардаги кузатувчилар иши янада кучайтирилиши зарур. Зараркунандаларга қарши курашда биологик усулдан кенг кўлланиш, мавжуд барча биологик фабрикаларнинг тўла қуввати билан ишлашини таъминлаш керак.

Коммунистик партия ва совет ҳукуматимиз колхоз, совхозлар экономикасини мустаҳкамлаш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилиб келмоқдалар, — деб таъкидлади ўртоқ Т. А. Алимов.— КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йилги) Пленуми қарорларига мувофиқ областимиздаги кам рентабелли ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан зарар кўраётган колхоз ва совхозларга 10 миллион сўмлик миқдорида молиявий ёрдам кўрсатилиши бу ғамхўрликнинг яна бир ёркин ифодаси бўлди. Ана шу ёрдам мазкур хўжаликларда рентабеллик даражасини 9 процентга ошириш имконини беради.

Бу йил пахтани қабул қилиб олишда янги давлат стандартининг жорий этилаётганлиги ҳам хўжаликлар экономикасини мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим омилидир. Областимизда бу соҳада маълум ишлар қилинаяпти. Ҳозир 958 та пахтачилик бригадаси ёки ана шундай бригадаларнинг салкам 60 проценти коллектив пудрат усулида иш олиб бормоқда. Нарядсиз системада ишлашга ўтишда Бўка райони хўжаликлари ташаббускорлик қилмоқдалар. Ҳозир райондаги барча далачилик бригадалари пудрат усулида ишлашга ўтган. Бекобод ва Пискент районларида ҳам бу прогрессив усул кенг жорий этилмоқда.

Янги усулнинг афзалликлари тажрибада тасдиқланди. Нарядсиз система бўйича ишлаётган коллективларда мўл ҳосил етиштириляпти, пахта таннархи арзон, коллектив аъзоларининг иш ҳақлари ортиб бормоқда. Аммо ҳали ҳам айрим районларда бу усулни жорий этишга етарлича эътибор берилмаяпти. Масалан, Чиноз районида 207 та далачилик бригадасидан фақат 48 таси шу усулга ўтказилган. Коммунистик районида эса ҳар бешта далачилик бригадасидан атиги биттаси нарядсиз система усулида иш олиб боряпти. Яқин вақт ичида қишлоқ хўжалигида бригада пудратини кенг жорий этишга эришишимиз зарур.

Терим мавсумини зўр уюшқоқлик билан ўтказиш, унинг муддатларини қисқартириш пахта етиштириш индустриал технологиясининг энг муҳим таркибий қисмидир. Биз бу технологияни муттасил такомиллаштиришимиз керак. Ҳозирги пайтда бошлаб йиғим-теримга тайёргарлик ишлари кучайтириб юборилиши лозим.

Ғўза дефолиациясини энг қулай муддатларда ва сифатли ўтказиш машина теримини жадал суръатларда олиб бориш, пахта сифатини оширишни таъминлайди. «Сельхозхимия» ташкилотлари ҳозирнинг ўзида хўжаликларга етарли миқдорда дефолиантлар етказиб беришлари лозим.

Терим тақдирини машиналар ҳал қилади. Ҳозир пахта териш машиналари, транспорт воситалари, бошқа механизмларни ремонт қилиш ва ишга тайёрлаш ишлари жадаллаштирилиши керак.

Деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнатлари эвазига етиштирилаётган ҳосилни бетўхтов қабул қилиб олиш, авайлаб сақлаш, ундан кўпроқ тола олиш пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов пунктлари коллективларининг шарафли вазифасидир. Областимизда ҳосилни қабул қилиб олиш ва қайта ишлаш ишини яхшилаш соҳасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда тайёрлов пунктларида 43 та қуритиш-тозалаш цехлари мавжуд. Уларда бир кеча-кундузда 5 минг тонна пахтани қуритиш ва тозалаш имконияти бор. Янги мавсумда пахта тозалаш заводлари қошидаги 7 та тайёрлов пунктида қуритиш барабанлари ўрнатилади. Бу бир кеча-кундузда яна қўшимча равишда 1000 тонна пахтани қуритиш имконини беради. Пахта терими бошлангунга қадар пахта сақлашга мўлжалланган учта омбор қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Бу йил пахта янги давлат стандарти бўйича қабул қилинишини ҳисобга олган ҳолда ҳозирнинг ўзида барча завод ва пунктларда пахта сифатини аниқлайдиган асбоб-ускуналар етарли миқдорда бўлишини таъминлаш, бу иш билан шуғулланадиган кадрларни ўқитишни ташкил этиш лозим.

Пойтахт области қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, деди пировардида ўртоқ Т. А. Алимов, — фидокорона меҳнат қилиб, ижодий ташаббускорлик кўрсатиб, 1983 йил социалистик мажбуриятлари ва умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажарадилар, мўл пахта ҳосили билан Ватанни қувонтирадилар, серқуёш республикамизнинг 6 миллион тонналик «оқ олтин» хирмонига муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

* * *

Докладдан сўнг музокаралар бошланди. Дастлаб Бўка район партия комитетининг биринчи секретари **Т. Исломова** сўз берилди.

— Партия XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги йиллардаги Пленумлари қарорларини изчил амалга ошириш учун курашаётган районимиз меҳнаткашлари,— деди нотиқ,— деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни йил сайин барқарор кўпайтириб бормоқдалар. Давлатга пилла, бошоқли дон, мева ва картошка сотиш йиллик планлари ортиғи билан бажарилди. Бу йил мева сотиш уч йиллик планини, картошка етиштириш бўйича эса тўрт йиллик планини бажаришни асосий мақсад қилиб қўйганмиз.

Чорвадорларимиз давлатга гўшт сотиш йиллик планини 141 процент, тухум сотиш планини 236 процент бажардилар. Сут сотиш плани эса сентябрдан кечиктирилмай адо этилади. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан гўшт сотишда 111 процент, сут сотишда 105 процент, тухум сотишда 115 процент ўсиш кўзда тутилган.

Ҳозир деҳқончиликда, айниқса, пахтачиликда ҳар бир сувчи, механизатор, бригада бошлиғи, хўжалик раҳбари ва мутахассислар учун фидоийлик кўрсатиб меҳнат қиладиган масъулиятли давр бошланди. Шу долзарб паллада ҳаммамизнинг ўрнимиз далада бўлиши керак. Ғўзаларга талаб қилган пайтда оби-тобида ишлов берсак, чанқатиб қўймай ва кўлланатиб юбормай оби-ҳаётга қондирсак, зарарли ҳашаротларга қарши тинимсиз кураш олиб борсак мўл ва эртаки ҳосил етиштиришга эришиламиз, хирмонлар баракали бўлади.

Шу кунгача 21680 гектар пахта майдонининг ярмидан кўпроғидаги ҳар туп ғўзада икки-учтадан кўсак ҳосил бўлди. Пахтакорларимиз ҳосилга-ҳосил қўшиш учун курашни давом эттириш билан бирга йиғим-терим мавсумига ҳам ҳар томонлама қизғин тайёргарлик кўришга киришганлар. Асосий мақсадимиз етиштирилган жами ҳосилни 20—25 иш кунида йиғиштириб олишдир.

Пахтакорларимиз бу йил она Ватанга 85 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун барча куч ва имкониятларни ишга солмоқдалар.

— Бригадамиз 71 гектар ерда деҳончилик қилади,— деди иккинчи бўлиб сўзга чиққан Бекобод районидаги Ойбек номли совхозининг бригада бошлиғи, қўш Ленин ордени кавалери **В. Тўхтабоев**. — Биз ҳамма карталарда мўл ҳосил тўплаш, унинг эрта пишиб етилишини таъминлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳозиргача ғўзаларни сакқиз марта культивациядан чиқардик. Йиллик нормадаги минерал ўғитларни июнь ойидаёқ бериб бўлдик. Учинчи сувни ҳам тугалладик. Ҳар туп ғўзада 3—4 тадан кўсак ҳосил бўлди. Энди асосий эътиборни ғўзани шарбат сувига қондиришга қаратмоқдамиз.

Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси **Ж. Элчибоев** хўжалик пахтазорларида қўлланилаётган илғор агротехника тадбирлари хусусида батафсил тўхталди.

— Бу йилги шароитда чигитни тўла ва қийғос ундириб олиш қийин бўлди. Аммо, бу баҳона эмас. Гектарларда кўчатлар бут бўлмаса, хирмоннинг чўғи ҳам паст бўлади. Шунинг учун биз ғўзанинг текис ривожланиб, мўл ҳосил тўплаши учун зарур агротехник тадбирлар ўтказяпмиз. Айниқса, ғўзаси ўсишдан орқада қолаётган карталарда ишловни кучайтирдик. Ҳар бир сувдан сўнг қатор оралари уч марта сифатли юмшатилмоқда. Бу участкаларнинг ҳар гектарига 10—12 тоннадан чиритилган гўнг солиб шарбат оқизиляпти. Сувни тежаш, ғўзанинг қониб сув ичишини таъминлаш мақсадида тунги суғоришни кенг йўлга қўйганмиз. Сувчилар меҳнатига рағбатлантирилган усулда ҳақ тўланмоқда.

Пахтакорларимиз бу йил 1580 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 40 центнердан хирмон кўтаришга қатъий қарор қилишган.

— Районимиз хўжаликларида юз центнерчи маккажўхорикорлар сафи кенгайиб бормоқда,— деди Калинин районидаги «Назарбек» совхозининг маккажўхоричилик комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати **Т. Арслонов**.— Ўтган йили район бўйича ўртача ҳосилдорлик 90 центнерга етди. Тўртта бригадада эса 100 центнердан ошди. Бизнинг бригадамиз аъзолари ҳар гектар ердан 122 центнердан «каҳрабо дон» йиғиштириб олдилар.

Бизнинг шароитимизда 100 центнер ва ундан ҳам юқори ҳосил олиш мумкин. Бироқ баъзи комсомол-ёшлар бригадаларидаги ҳосилдорлик бугунги кун талабига жавоб бермаяпти. Бизнингча, бунинг асосий сабаби агротехника қоидаларига риоя қилмаслик, илғорлар тажрибасига таянмасликдадир.

Маккажўхори дони етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш биз комсомол-ёшларга ишониб топширилган экан, чуқур масъулият ҳис қилган ҳолда доимо ижодий изланиб, сидқидилдан меҳнат қилишимиз лозим. Ана шу шиор остида меҳнат қилаётган бригадамиз ёшлари бу йил ҳосилдорликни 125 центнерга етказишга қатъий сўз берганлар.

Ғалаба райони механизаторлари ўзларининг бутун куч ва ғайратларини 1983 йил план-топшириқларини ва зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга, агросаноат комплексининг барча тармоқларини янада ривожлантиришга қаратмоқдалар. Кенгашда сўзга чиққан РАПО Совети раиси **М. Чинтошев** шу ҳақда сўзлади.

Район пиллакорлари давлатга 138 тонна пилла сотиб планни анча ортиғи билан адо этдилар. Давлатга 1550 тонна бошоқли дон сотилди. Суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 41 центнердан хирмон уюлди.

Ғалабаликлар Коммунистик райони маккажўхорикорларининг мурожаатини атрофлича муҳокама қилиб, бу йил «каҳрабо дон» ҳосилдорлигини камида 90 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар.

Пахта етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш ва хом ашё сифатини яхшилаш район меҳнаткашларининг асосий вазифасидир. Айни кунларда ҳар бир агротехник тадбир энг қисқа муддатда ва сифатли ўтказилмоқда. Ҳозиргача олти марта культивация қилинди. Карталарга унинчи сув таралмоқда. Район хўжаликлари ғўза чеканкасини 18—20 июллардан бошлаб 5 августгача тугатишни мўлжаллашмоқда.

Кенгаш қатнашчилари Тошкент районидаги К. Маркс номли колхознинг сабзавотчилик бригадаси бошлиғи **Ж. Раҳбаров** сўзини мароқ билан тингладилар.

— Сабзавот маҳсулотлари етиштириш йиллик планимизни районда биринчи бўлиб 25 майда фақат эртаги экинлар ҳисобига бажардик. Пландаги 900 тонна ўрнига 1600 тонна сабзавот топширилди. Етиштирилган жами маҳсулот эса 1910 тоннадан ошди.

Бригадамиз аъзолари айниқса, картошка етиштиришда бой тажриба орттиришган. Бу йил эртаги картошка ҳосилдорлиги мажбуриятда белгиланган 25 тонна ўрнига 31 тоннага етказилди.

Имкониятларимизни ҳисобга чиқиб давлатга яна 700 тонна сабзавот ва 310 тонна картошка топширамиз. Помидорнинг ҳар гектаридан 740 центнердан, сабзининг ҳар гектаридан эса 500 центнердан ҳосил оламиз.

Минбарда Пискент районидаги «КПСС XXVI съезди» совхозининг директори **А. Дўсбеков**.

— Совхозимиз меҳнаткашлари июль-август ойларини ҳосилга-ҳосил қўшиш зарбдор ойлиги деб эълон қилиб, пахта, маккажўхори дони ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун уюшқоқлик билан иш олиб бормоқдалар. Давлатга гўшт, сут, тухум топшириш ярим йиллик планлари анча ортиғи билан бажарилди. Ем-хашак тайёрлаш йиллик планини бажариш арафасида турибмиз. Мақсадимиз икки йилга етадиган озуқа жамғаришдир. Коммунистик райони маккажўхорикорларининг мурожаатига жавобан ҳосилдорликни камида 90 центнерга етказиш юзасидан оширилган мажбурият қабул қилинди. Комбайнлар, трактор прицеплари, умуман ўрим-йиғимда керак бўладиган техника воситаларининг ҳаммаси тахт қилиб қўйилган.

Л. Царенко Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумининг тажрибали сут соғувчиларидан бири. У минбарга чиқиб, хўжалик чорвадорларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми қарорларини муваффақиятли бажариш юзасидан амалга ошираётган ишлари ҳақида сўзлаб берди.

— Фермамизда вақтдан ўзиб ишлашга қаратилган ўзаро социалистик мусобақа кенг қулоч ёйдирилган, — деди у. — Мен ҳозир 1984 йил ҳисобига сут топширмоқдаман. Бу йил боқимимдаги сигирларнинг ҳар биридан камида 5100 килограммдан сут соғиб олиб, социалистик мажбуриятимни сўзсиз бажараман.

— Бугунги кенгашда қатнашишдан аввал бригадамиз аъзолари билан маслаҳатлашиб олдик,— деди Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг бригада бошлиғи **С. Йўлдошев**,— Мавжуд имкониятларимизни қайта-қайта ҳисоблаб чиқиб, йил бошида қабул қилинган 45 центнер ўрнига камида 50 центнердан «оқ олтин» хирмони уйишга бир овоздан қарор қилдик.

Кузда уюлажак хирмоннинг тақдири, аввало, сувчиларнинг шу кеча кундузги меҳнатларига боғлиқ эканлигини яхши биламиз. Шунинг учун ҳозир саккиз нафар сувчимиз икки группага бўлиниб, эгатларга фақат шарбат суви оқизишяпти. Бу тадбир ҳосил тугунчаларини кўпайишига ва кўсакларнинг салмоқли бўлишига ёрдам беряпти. Ҳозир ҳар туп ғўзада ўртача 3—4 тадан бўлиқ кўсак бор. Бундан буён ҳам ғўза парваришини бирор дақиқа ҳам сусайтирмай давом эттираверамиз.

— Заводимизда янги мавсум ҳосилини қабул қилиш учун моддий техника базасини тайёрлаш юзасидан қизғин иш олиб борилмоқда,— деди Янгийўл пахта заводи директори **Ф. Собиров**.— Ҳамма тайёрлов пунктлари, қуритиш-тозалаш цехлари, механизация воситалари, хаво ҳайдагичлар, бунт майдонлари, брезентлар ва ўлчов техникалари тўла ремонтдан чиқариб қўйилди. Лабораториядаги асбоб-ускуналар ҳам мавсумга тахт. Классификаторлар, лаборантлар ва ҳисоб-китоб билан шуғулланувчи ходимларнинг малакалари оширилди. Хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислари, бригада бошлиқлари ҳамда тайёрлаш пунктларининг ходимлари билан янги ГОСТнинг қўлланилиши, шунингдек, пахтани териш ва топшириш сифатини яхшилаш юзасидан семинар-кенгаш ўтказилди. Янги ГОСТнинг жорий этилиши, пахтакорлар ва пахта тозаловчиларнинг махсулот сифатини яхшилаш бўйича ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришларини талаб этади. Биз тола олишни 33—34 процентга етказишни мўлжалламоқдамиз. Бунга эришса бўлади. Пахтакорларимиздан кўпроқ биринчи сортли пахта кутамиз.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари Тошкент области барча меҳнаткашларига қарата мурожаат қабул қилдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **Е. А. Айтмуратов**, Тошкент область партия комитети бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлари иштирок этдилар.

Кенгаш ишида Жиззах область партия комитетининг секретари **У. З. Алимов** бошчилигидаги мусобақадош ўзаро текшириш бригадаси аъзолари қатнашдилар.

Эртага — металлурглар куни

ПЎЛАТДАН ҲАМ МУСТАҲКАМ ИРОДА

Пўлат иродали кишилар!.. Одатда металлургларимиз ҳақида шундай дейишади. Мартен печи олдида иссиқдан яноқлари қизариб, терлаб кетган металлургларнинг меҳнатини кузатган киши ҳақиқатан шундай эканлигига ишонч ҳосил қилади. Пўлатни, металларни эритиш учун айнан ана шундай чидам, ирода керак. Комбинатимизнинг ишчи-хизматчилари ана шундай касб эгалари ўртасида — областимиз металлургия саноатида етакчи ўринларни эгаллаб келаётганликлари билан, шонли анъаналарга содиқ қолаётганликлари билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Металлурглар байрами арафасида қатор ишлаб чиқариш илғорлари шу санага атаб зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этганликларини маълум қилдилар. 305 ишчи-хизматчи шахсий беш йиллик топшириқларини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар, ўн саккиз металлург эса 1987 йил ҳисобига меҳнат қила бошлади. Т. Ўлмасов, М. Мирмусаев, П. Кричетов, Н. Усенов, Н. Саидхалилова ва бошқалар шулар жумласидандир.

Корхонамизда ўз меҳнати билан барчага намуна бўлаётган, ёш кадрларни етиштиришда партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига яқиндан кўмаклашаётган ўз ишининг талайгина жонкуярлари бор. Уларни ҳар борада — ишлаб чиқаришда ҳам, жамоат ишида ҳам биринчилар қаторида учратасан киши. Айнан ана шундай кишиларнинг меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб равишда тақдирланаётганлиги қувончлидир.

Металлурглар куни арафасида уларнинг энг илғорларига СССР Рангли металлургия министрлиги коллегияси ҳамда тармоқ касаба союзи Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ турли унвонлар берилганлиги улар учун қўш қувонч бағишлади, албатта. Жумладан 7-цех сим ўровчиси А. Шек «СССРнинг фахрий металлурги» деган номга, 1-цех ишчиси О. Барисеевич, 5-цех аппаратчиси Т. Йўлдошев, ремонт-механика цехининг слесарь-ремонтчиси П. Родиков, цех бошлиғи П. Афанасьевлар эса «СССР рангли металлургияси социалистик мусобақасининг аълочиси» нишонига сазовор бўлдилар.

Ютуқларимиз ҳақида гап кетганда комбинат муваффақиятига салмоқли ҳисса қўшаётган байроқдор 2-цехимиз ҳақида алоҳида тўхтаб ўтиш ўринлидир. Цех коллективи биринчи ярим йиллик планни барча ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича муваффақиятли адо этди. Пландан ташқари бир неча ўн минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари 101,2 процентни ташкил этди.

Коллектив аъзолари йил охирига бориб тайёрланаётган ялпи маҳсулотнинг 85 проценти давлат Сифат белгиси билан истеъмолчиларга етказиб берилишига сўз беришган эди. Айни пайтда ана шу мажбуриятнинг тўла бажарилиши учун барча зарур тадбирлар амалга ошириляпти. 1983 йилнинг 1 июлидан бошлаб эса барча товар маҳсулотлар фахрий беш қирра тамғаси билан чиқарила бошланди. Яна бир маҳсулот — йирик ҳажмдаги вольфрам штабикларига давлат Сифат белгиси берилди.

Цехда етти металлург беш йиллик планни бажариб, ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот топширяпти. 29 ишчи 1985 йил, 60 меҳнатчи эса 1984 йил ҳисобига ишламоқда.

«Чирчиқ шаҳрининг 50 йиллигига — 50 зарбдор ҳафталик» шиори остида социалистик мусобақани авж олдирилиши ҳам ютуқларимизнинг бош омилларидан бири бўлди дейиш мумкин. Шаҳарнинг барча ишлаб чиқариш корхоналари иштирок этаётган бу мусобақа цехдаги ишчанлик руҳини оширди. Учта участка, тўртта смена, 9 та бригада бу ҳаракатга қўшилиб оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар. Шундан сўнг айнан шу коллективларнинг ишчилари мусобақаларда карвонбошилик қила бошладилар. Металлургларга бағишланган зарбдор ҳафталикда смена, участка, бригадалар бўйича А. Ҳикматов, Г. Матказиев, Б. Ўрозалиев, К. Содиқов, В. Иванчиков, печ аппаратчилари М. Омонтоев, М. Шабалина, О. Глухова, К. Сиренколар ғолиб деб топилганлиги фикримизнинг далилидир.

Социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётган коллективлар ютуқларининг сабаби — меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор усули асосида ишлаётган бригадаларнинг кўплигидадир. Шу йилнинг ўтган даврида комбинатнинг иккинчи цехида бригада методи асосида ишлаётган коллективлар яна иккитага кўпайди. П. Штайер бошчилигидаги пайвандчилар ҳамда И. Люц етакчилигидаги электрослесарлар бригадаларида меҳнат иштироки коэффицентига кўра ҳақ тўлана бошлагач унумдорлик ҳам, тайёрланаётган маҳсулот сифати ҳам сезиларли даражада ошди. Ўтган ярим йил мобайнида ҳар иккала коллектив тўрт мартадан социалистик мусобақада биринчи ва иккинчи ўринларни олдилар. Эндиликда барча ҳаракатларимизни ана шундай бригадаларнинг кўпайишига қаратмоғимиз зарур. Зотан, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида ҳам ягона наряд асосида ишловчи коллективларни кўпайтириш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ана шундай қилсакгина олдимизда турган масъулиятли вазифалар шараф билан бажарилади. Комбинатимизда эса бунинг учун барча шароитлар бор, деб ўйлайман.

Т. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати бош инженерининг ўринбосари.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг илғор ишчилари (чапдан) Анатолий Чередниченко, Ўрол Бойматов, Саида Қаюмовалар олти ой якунларига кўра социалистик мусобақа ғолиби бўлиб, металлурглар кунини муносиб тиб олмоқдалар. меҳнат совғалари билан кутиб олмоқдалар.

В. СИРОТКИН фотоси.

Ҳаҳон янгиликлари

ЯДРОСИЗ ЗОНА ТУЗИШНИ ҚУВВАТЛАБ

● **СТОКГОЛЬМ.** Таниқли сиёсий арбоб, Женевадаги қуролсизланиш комитетида Швеция делегациясининг бошлиғи Май-Бритт Теорин хоним Европа шимолида ядросиз зона вужудга келтириш ғоясини амалга оширишни қувватлаб чиқди. Швеция социал-демократик ишчилар партиясининг органи — «Тиден» журнали саҳифаларида ёзган мақоласида у шундай зонани яратишга интилиш Швеция ташқи сиёсатининг энг асосий элементи бўлмоғи керак, деб таъкидлади.

М.—Б. Теориннинг фикрича Шимолий Европанинг ядро қуролидан ҳоли зонага айлантирилиши Европа шимолида вазиятнинг барқарор бўлишига олиб келади. Бундан ташқари бу тадбир Европа шимолига яқин районларда ядро қуроллари сонини чеклашга, шимолий мамлакатларга нисбатан ядровий ҳужум эҳтимолини ёки шундай хавфни анча камайтиради, шунингдек улар ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиради.

(ТАСС).

ЧИЛИ. Пиночетнинг ҳарбий-фашист режими меҳнаткашларнинг миллий норозилик кунидаги чиқишларига оммавий қувғинлар билан жавоб қайтарди. Бу куни конлар ва портлар ишчилари, қурувчилар, транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари, давлат муассасаларининг хизматчилари 24 соатлик забастовка ўтказдилар.

Суратда: Сантьягода норозилик намойиши қатнашчиларини қувғин қилиш пайти.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИГА ТАЖОВУЗ

● **ЛОНДОН.** Буюк Британия консерваторлар ҳукумати Англия меҳнаткашларининг ҳуқуқлари ва эркинликларига яна тажовуз қилишга тайёргарлик кўрмоқда. Иш билан таъминлаш министри Н. Теббитнинг жамоалар палатасида сўзлаган нутқи шундан далолат бермоқда. У консерваторлар ҳукумати Британия касаба союзларининг ҳуқуқларини чеклайдиган ва корхона эгалари билан меҳнат низоси келтириб чиқарадиган касаба союзларига нисбатан суд орқали чора кўриш учун маъмурларга янги кенг ваколатни берадиган қонун лойиҳасини парламентда тасдиқлатиб олиш ниятида эканлигини айтди. Ҳукумат Англия тред-юнионларининг сафларини парчалаб юборишга қаратилган бир қанча тадбирни ҳам кўришни режалаштирмоқда.

Консерваторлар ҳукуматининг касаба союзларига қарши режалари оппозициядаги партиялардан парламент аъзоларининг кескин танқидига учради. Парламент аъзоси — лейборист М. Флэннери, жумладан, ҳукумат амалда касаба союзларига қарши уруш эълон қилди, деб айтди.

ГФРнинг Японияда қилган талаблари

● **ТОКИО.** ГФРнинг бу ерга келган хўжалик министри О. Ламбсдоф Ғарбий Европа мамлакатларига нисбатан экспорт тазйиқини чеклашни талаб қилди. У Япония раҳбарлари билан олиб борган музокараларида Япония билан савдо-сотиқда Ғарбий Германиянинг камомати ўсаётганлигидан ташвишланганлигини билдирди. Бу камомат ўтган йили 7,5 миллиард маркадан иборат бўлди. Ламбсдоф Токио ГФРдан мол келтиришни кенгайтириш ва Япония товарларини, шу жумладан автомобиллар ва мотоциклларни юборишни камайтириш учун шошилинч чоралар кўриши зарурлигини таъкидлади. Маҳаллий матбуотнинг маълумотларига кўра, Япония концернлари ГФРда автомобиль бозорининг 10 процентдан кўпини ва мотоциклар бозорининг 87 процентини эгаллаб олганлар.

Шу кунларда Япония пойтахтида бўлаётган бошқа савдо иқтисодий музокараларда ҳам мана шундай кескин ихтилофлар ва бир-бирини айблашлар давом этмоқда. Чунончи, Британия саноат конфедерациясининг президенти К. Фрейзер Япония иқтисодий ташкилотлар федерациясининг раҳбарлари билан учрашувда «ўнлар» мамлакатларидан келтириладиган товарлар учун Японияда бозор очилишини талаб қилди. Буни Ғарбий Европа ҳамжамиятидаги бозорларга Япония моллари сотилишини сақлаб қолиш учун шарт қилиб қўйди. Европа иқтисодий ҳамжамияти ҳозирги вақтда Япония билан савдо-сотиқда 14 миллиард доллардан иборат камоматга эга. Иқтисодий ташкилотлар федерациясининг президенти И. Инаяма Чикагода америкалик бизнесменларнинг кенгашида айтилганидан бир кун ўтгандан кейин худди шундай даъвони эшитганлиги диққатга сазовордир.

(ТАСС, 14 июль).

ЖЕНЕВАДАГИ МУЗОКАРАЛАР

ЖЕНЕВА, 14 июль (ТАСС). Бугун бу ерда стратегик қуролларни чеклаш ва қисқартириш тўғрисидаги музокараларда СССР ва АҚШ делегацияларининг ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

ЖЕНЕВА, 14 июль (ТАСС). Бугун бу ерда СССР ва АҚШ делегацияларининг ялпи мажлиси бўлди. Шу билан Европада ядровий қуролларни чеклаш тўғрисидаги музокараларнинг ҳозирги давраси ниҳоясига етди. Музокаралар 6 сентябрдан бошлаб давом эттирилади деб келишиб олинди.

ФИЛ НАЖОТ СЎРАЙДИ

Бу воқеа Замбиядаги Луангва дарёси соҳилларидаги қўриқхонада юз берди.

Бир куни қўриқхона марказий идораси олдида бир фил пайдо бўлди. У кучли наъра тортар, худди одамларга бир нарсани айтмоқчидек бўларди. Филни ҳайдаб юборишди, бироқ эртасига у яна келди. Ўтиб бораётган машинанинг йўлини тўсиб тўхтатди ва ҳартуми билан уни бура бошлади, гўё машинага бошқаёққа юриши кераклигини уқтирарди. Ҳайдовчи машинасини бурди ва нима қилишини билолмай турди. Шунда фил машина орқасига ўтиб, уни қистаб итара бошлади.

Бироз юрилгандан кейин фил йўлдан қайрилиб, аввалгидек ўкирди-да дарахтлар орасига кириб кетди. Икки биолог олим унинг кетидан боришди. Яқин атрофда филлар тўдасини ва улар орасида браконьер яradор қилган она филни кўриб қолишди. Одамлар келганини кўрган ҳайвонлар уларни яраланган филга яқинроқ келишсин, дегандек ўзларини четга олишди.

Одамлар она фил билан боласини қийноқдан қутқаришди. Уч ҳафта давомида улар олдига келиб ярасини даволашди, фил боласини овқатлантиришди ва ёрдамга муҳтожлиги қолмагунча хабар олиб туришди. Шундан кейин... қўриқхона маъмурияти ҳузурига филлар ташрифи бошланди. Уч маҳлуқ — ота фил, она фил ва тез ўса бошлаган боласи идорага мунтазам қатнашар, бу билан тузалиб кетганликларини ва айболитлардан ниҳоятда миннатдор эканликларини намойиш этардилар.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ПРАГА. Чехословакиянинг «Сигма» машинасозлик бирлашмаси бу йил совет буюртмачиларига насос станциялари катта бир туркумини юборади. Суғориш техникаси Молдавия ва Украина, Белоруссия ва Поволжье, Ставрополь ва Ўрта Осиё деҳқонлари ихтиёрига топширилади. Кенг қишлоқ хўжалик майдонларига сув юбора оладиган кучли насос станциялари билан бирга Чехословакия бирлашмаси СССРга томорқалар, боғлар ва полизларни суғорадиган қурилма етказиб беришни ҳам йўлга қўйди.

● РИМ. Комизода, Сицилияда Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ядро ракеталарини жойлаштиришга қарши норозилик намойиши қатнашчиларидан етти кишининг полиция маъмурларининг бевосита буйруғи билан қамоққа олинганлиги Италия демократик жамоатчилигида қаҳр-ғазаб ва норозилик уйғотди. Қамоққа олинган кишиларга жамоат тартибини бузади, деган одатдаги айб қўйилган. Мамлакатда полиция ўзбошимчалигидан жабр кўраётган тинчлик тарафдорларидан биринчи марта ўч олинаётгани йўқ. Тинчлик учун кураш Рим комитетининг бу ерда таркатган баёнотида таъкидланадики, Комизода тинчлик учун Ғарбий Берлин курашчиларидан икки киши ҳеч қандай сабабсиз Италиядан чиқариб юборилган эди. Римда ҳам маъмурлар тинчлик тарафдорлари ҳаракатини куч билан бостиришга уриниб кўришди.

● НЬЮ-ЙОРК. Рейган маъмурияти АҚШдаги негр аҳолисининг манфаатларини мутлақо паймол этмоқда, деди қора танли аҳолининг тараққиётига кўмаклашувчи миллий уюшманинг ижро этувчи директори Бенжамин Хукс Эй-би-си телекомпанияси мухбири билан суҳбатда.

Ҳозирги маъмуриятнинг сиёсати натижасида, деб таъкидлади у, мамлакатнинг кўп шаҳарларидаги негрлар яшайдиган кварталларда фожиали аҳвол вужудга келган — қора танли америкаликлар ўртасида ишсизлик 20 процентдан ошиб кетган, негр ёшлари ўртасида ишсизлик даражаси эса 70 процентга етган. Хукснинг айтишича, у раҳбарлик қилаётган АҚШдаги энг катта негрлар ташкилоти Рейганнинг иккинчи муддатга қайта сайланишига йўл қўймаслик учун мумкин бўлган ҳамма ишни қилади.

● ДЕҲЛИ. Халдиа шаҳрида (Ғарбий Бенгалия штати) минерал ўғит ва химиявий хом ашё ишлаб чиқарувчи йирик комплекс фойдаланишга топширилди. Бу давлат корхонаси ҳар йили 500 минг тонна нитрафосни, 165 минг тонна мочевина ва химиявий маҳсулотнинг бошқа турларини ишлаб чиқаради. Ҳозирги вақтда Ҳиндистонда бир йилда 4 миллион тоннадан кўп азотли ва фосфорли ўғит ишлаб чиқарилмоқда.

● ЛУАНДА. Ангола Халқ Республикаси ҳукумати соғлиқни сақлаш системасини ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. Республиканинг барча 18 та вилоятида аҳолига медицина хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган. Мамлакат шимолидаги энг олис ва аҳоли кўп бўлган районлардан бири — Уиже вилояти бунинг ёрқин мисолидир.

Сўнгги ярим йил мобайнида Уижедаги марказий госпиталлардан бирида 8 мингдан кўп киши стационарларда медицина ёрдами олди. Вилоятда сил, қизамиқ, ичбуруқ, вабо, терлама каби ҳавфли касалликларнинг олдини олиш учун кўп ишлар қилинмоқда. Аҳоли муntазам равишда эмлаб турилибди.

● **ЛИССАБОН.** Португалия Компартияси Португалия ҳукуматининг олиб бораётган сиёсатини қаттиқ танқид қилиб чиқди. Португалия Компартияси бу ерда эълон қилган баёнотида ҳукуматнинг фаолияти унинг меҳнаткашлар ҳуқуқини чеклашга, маъмуриятнинг сиёсати тўғри эканлигига шубҳа билан қарайдиган кишиларни таъқиб этишга интилаётганлигидан далолат беради, деб таъкидлади.

Шундай бир шароитда, деб ҳисоблайди Португалия Компартияси, мамлакат конституциясида белгиланган ҳуқуқлар ва эркинликларни ҳимоя қилиш учун курашни кучайтириш керак. Меҳнаткашларнинг мана шундай қатъий ҳаракатигина демократияни гарантиялашга ва Португалия халқининг революцион ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга қаратилиши лозим.

(ТАСС, 14 июль).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ФУТБОЛ МАЙДОНИДА АЁЛЛАР

1982 йили Хитойда хотин-қизлар ўртасида футбол бўйича биринчи мамлакат чемпионати ўтказилди. Ўйин шартларига кўра аёллар футболи эркакларникидан бирмунча фарқ қилади. Чунончи, ўйинчилар бутси ўрнига резина кедлар кийишади, ўйиннинг ҳар бир бўлими 45 минут эмас, 35 минут давом этади.

Обзорчилар, мусобақалардан сўнг спортчи қизларнинг маҳорати шунчалик ўсганки, улар эркаклар футбол командалари билан бемалол куч синашишлари мумкин, деб айтдилар.

Хотин-қизлар футбол командалари Хитойнинг кўпгина вилоятларида тузилди.

ЖИДДИЙ МУАММО

«Муқаддас сигирлар» Ҳиндистоннинг экологик балансига хавф туғдирмоқда. Мамлакатдаги бир қатор олимлар шундай хулосага келдилар. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган моллар шаҳар ва қишлоқларнинг кўчаларида, ўрмонлар ва экинзорлар бўйлаб бемалол юраверіб, ҳамма ўсимликларни буткул пайҳон этиб юбориши мумкин.

Расмий маълумотларга кўра, Ҳиндистонда қорамоллар 250 миллион бош бўлиб, уларнинг аксарияти ёввойи сигирлардир. Ориқ, эти устихонига ёпишган бу сигирлар сут ҳам бермайди, куну-тун овқат қидириб юради, транспортнинг нормал ҳаракатланишига ҳалақит беради.

Молларнинг бундай улкан бебош подасидан мамлакат олдида турган мураккаб озиқ-овқат проблемасини ҳал этишда фойдаланиш хусусида ўктин-ўктин гап-сўзлар бўлиб турибди. Бироқ кўп асрлардан буён давом этиб келаётган одатни йўқотиш қийин бўляпти, ҳозирча бу хусусдаги таклифлар кескин зарбага учрамоқда.

(«Азия и Африка сегодня» журналидан).

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

18 ИЮЛЬ—24 ИЮЛЬ

18 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Концерт. 10.10 — «Саёҳатчилар клуби». 11.10 —Болалар учун фильм. «Довюрак прогулчи». 12.15 ва 15.00 —Янгиликлар. 15.20 — Телевизион ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Фильм-концерт. 17.00—«Онамларнинг мактаби». 17.30—«Усмирлар ижоди». 18.00—«Венгрия бўйлаб». Кинокўрсатув. 19.00 — Мультфильм. 19.20 — «Футбол шарҳи». 19.50—«Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат!». 20.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 —«Время». 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Черноморец» —«Зенит». Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари».

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — «Бевақт келган одам». Бадиий фильм. 11.15 — В. Луговский поэзияси. 11.55—«Фан ва турмуш». 12.25 — «Будильник». 12.55 — «Барабанчининг тақдири». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 14.00 — «Рус тили». 14.30 — Ҳужжатли фильмлар. 15.15 — Г. Канчели. 6-симфония. 15.55 — Мультфильмлар. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 —Илмий-оммабоп фильм. 19.00 —«Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.00 —Волейбол бўйича халқаро учрашув. Хотин-қизлар. СССР — Япония терма командалари. 20.30 —«Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Қўшиқ инсон билан қолади». 21.30 — «Время». 22.00 — «Сайроқи канарейка кимникига учиб борди?». Телевизион бадиий фильм.

УзТВ-I. 18.25 — «Шоирлар—болаларга». 18.55 — «Бурчга садоқат». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — В. Маяковский. «Владимир Ильич Ленин». Поэма. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.00 — «Бугун оламда нима гап?». 22.15 — «Хато қилишга ҳаққинг йўқ». Бадиий фильм. 23.40 — Янгиликлар.

УзТВ-II. 9.00 — 16.30—МТ-II. 18.00 — Она тили. 18.30 — Телефильм. 18.50 — Иншо қандай ёзилади. 19.20 — «Қизиқарли математика». 19.50—Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Ҳамма танийдиган номаълум киши». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30 —МТ-II.

19 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Спорт ахбороти. 9.55 — Концерт. 10.25 — Ҳужжатли фильмлар. 11.25 — «Шарти — кучук ини». Телевизион бадиий фильм. 12.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Телеочерк. 16.25 — Концерт. 16.55 — «Рус тили». 17.25 — Телеочерк. 17.40 — «Дўстлик гуллари». 18.15 — «Шахмат мактаби». 18.45 — «Миллионлар ленинча университети». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Расмларда қуёш акси бор». 19.45 — «Архангельское» музей-қўрғони. 20.30 — «Қадрдон уй ҳароратим». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — «Время». 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Черноморец» — «Пахтакор». Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари». 23.45 — Спорт ахбороти.

МТ-II. 9.00 —Эрталабки гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильмлар. 9.45 — «Сиз яратган боғ». 10.15 — «Горнчилар, қаердасиз!». 11.00 — Мультфильм. 11.20 — «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 12.20 — Испан тили. 12.50 — Спорт ахбороти. 13.10 — Концерт. 13.30 — «Шаҳзода Флоризелнинг саргузашти». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 14.35 — Ҳужжатли фильм. 15.05 — Фильм-концерт. 15.45 — «Драматургия ва театр». 16.40 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.10 — «Камалак». 19.45 — «Дўстларимиз чеҳраси». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Телевизион ҳужжатли фильм. 21.00 — Спорт ахбороти. 21.30 — «Время». 22.00 — «Дўстлар — ўртоқлар ҳақида». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 23.15 — Концерт.

УзТВ-I. 12.35 —Болалар учун концерт. 13.05 — «Баҳс». 14.05 — Ҳужжатли фильмлар. 14.40 — «Қанонир Доласнинг саргузашти». Бадиий фильм. 1-серия. 18.30 — «Ҳаёт каби тирик». 19.10 — «Ҳамкорлик шартномаси амалда». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Шифокор суҳбати. 20.00 — «Амалдаги интернационализм». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.00 — «Мустаҳкам озуқа базаси учун». 22.20 — «Қизил олма». Бадиий фильм. 23.40 — Янгиликлар.

УзТВ-II. 9.00 — 16.45 — МТ-II. 18.00 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 18.30 — Физика. 19.30 — Реклама. 19.50 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Тошкент эртанги кунга қадам қўймоқда». 20.50— «Ҳамма танийдиган номаълум киши». Телевизион бадиий фильм. 4-серия. 21.30 — МТ-II.

20 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— Спорт ахбороти. 9.55 — Мактаб ўқувчиларининг учрашуви. 10.40 — Концерт. 11.40—«Мўъжизасиз-мўъжизалар». 12.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — «Горнчилар, қаердасиз?». 16.50 — Болалар учун фильм. «Йўрға Мустанг». 18.00 — «Стадион ҳамма учун». 18.30 — «Партия ҳақида ҳикоялар». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Фан ва турмуш». 20.00 —Концерт. 20.25 — «Қадрдон уй ҳароратим». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 — «Время». 22.05 —Ҳужжатли фильм премьераси. 23.15 — «Дунё воқеалари». 23.30 — Спорт ахбороти.

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильмлар. 9.50 — «Мен севган киши». Бадиий фильм. 11.20— «Оддий мўъжизалар». 11.50 — Немис тили. 12.20 — «Шеър ўқиб». 12.50 — Спорт ахбороти. 13.10 — «Барабанчининг тақдири». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 14.15 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 14.45 — «Бил ва уддала». 15.30 — «Ёшлар адреслари». 16.30 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Волейбол бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви. Хотин-қизлар. СССР — Япония терма командалари. 19.30 — «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Сиз бунга қодирсиз». 21.30 — «Время». 22.05 — «Хайрли соатда». Бадиий фильм.

УзТВ-I. 12.35 — «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга». 13.20 — Концерт. 13.50 — Илмий-оммабоп программа. 14.20 — «Шиддат». Бадиий фильм. 18.30 — «Қувноқ пионер ёзи». 19.00 — «Турмуш ва маданият». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Қўғирчоқ фильм. 20.00 — «Амалдаги интернационализм». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Манзарали фильм. 21.00 —Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Бугун оламда нима гап?». 22.25 — «Ўжар Кура» Бадиий фильм. 2-серия. 23.50 — Янгиликлар.

УзТВ-II. 9.00 — 16.35 — МТ-II. 18.00 — Математика. 19.00 — «Қуёшли ўлка маршрутлари бўйлаб». 19.30 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Ҳамма танийдиган номаълум киши». Телевизион бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — МТ-II.

21 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— Спорт ахбороти. 9.55 — Концерт. 10.10 — «Қадрдон уй ҳароратим». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.15 — Концерт. 11.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Телеочерк. 16.25 — Концерт. 16.55 — «Рус тили». 17.25 — Телеочерк. 17.40 — «Дўстлик гуллари». 18.15 — «Шахмат мактаби». 18.45 — «Миллионлар ленинча университети». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Расмларда қуёш акси бор». 19.45 — «Архангельское» музей-қўрғони. 20.30 — «Қадрдон уй ҳароратим». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — «Время». 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Черноморец» — «Пахтакор». Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари». 23.45 — Спорт ахбороти.

МТ-II. 9.00 —Эрталабки гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильмлар. 9.45 — «Сиз яратган боғ». 10.15 — «Горнчилар, қаердасиз!». 11.00 — Мультфильм. 11.20 — «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 12.20 — Испан тили. 12.50 — Спорт ахбороти. 13.10 — Концерт. 13.30 — «Шаҳзода Флоризелнинг саргузашти». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 14.35 — Ҳужжатли фильм. 15.05 — Фильм-концерт. 15.45 — «Драматургия ва театр». 16.40 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.10 — «Камалак». 19.45 — «Дўстларимиз чеҳраси». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Телевизион ҳужжатли фильм. 21.00 — Спорт ахбороти. 21.30 — «Время». 22.00 — «Дўстлар — ўртоқлар ҳақида». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 23.15 — Концерт.

22 ИЮЛЬ, ЖУМА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— Спорт ахбороти. 9.55 —Мультфильмлар. 10.35 — «Буратино кўргазмаси». 11.05 — «Осетия тароналари». 11.20 — «Қадрдон уй ҳарорати». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — «Подмосковье қишлоқларининг бугуни ва эртаси». 16.25 — Бадиий гимнастика. 16.40 — Болалар учун фильм. «Ажралмас дўстлар». 18.00 — «Қувноқ стартлар». 18.45 — «Биз БАМни қуряпмиз». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Мультфильм. 19.40 — Киноочерк. 20.10 — «Қолдирилган парвоз». Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.00 — Союзлар уйининг Колонна залида В. Маяковский туғилган куннинг 90 йиллигига бағишланган кеча. 23.30 — «Дунё воқеалари». 23.45 — Спорт ахбороти.

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.50 — «Хайрли соатда». Бадиий фильм. 11.20 — «Шахмат мактаби». 11.50 — Концерт. 12.15 — Инглиз тили. 12.45 — Спорт ахбороти. 13.05 — С. Соловейчик. «Етти шамол тўдаси». 7-воқеа. 13.50 — «Энг катта проспект». Телевизион ҳужжатли фильм. 14.20 — Антуан де Сент-Экзюпери. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 15.05 — Концерт. 15.30 —«Ҳаётга йўлланма». 16.30 ва 18.30 —Янгиликлар. 18.45 — Илмий-оммабоп фильм. 19.05 — Концерт. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Танишинг, чет эл цирки». 21.15 — Спорт ахбороти. 21.30 — «Время». 22.00 — «Дўстлар — ўртоқлар ҳақида». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.05 — Футбол. МАСК —«Динамо» (Киев).

УзТВ-I. 12.35 — «Светофор». 13.35 — Телевизион миниатюралар театрининг спектакли. 14.35 — «Қанонир Доласнинг саргузашти». Бадиий фильм. 2-серия. 15.00 — «Замандас». 18.15 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.00 — «Ишга туширилаётган қурилишлар — ўз муддатида!». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Адабий альманах». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Эстрада калейдоскопи». 21.30 — «Время». 22.00—«Дунё воқеалари». 22.30 — «Махфий агент». Бадиий фильм. 23.55 — Янгиликлар.

УзТВ-II. 9.00 — 16.35 — МТ-II. 18.00 — Она тили. 18.30 — Химия. 19.00 — Математика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 —«Эркакларга кўз ёши ярашмайди». Бадиий фильм. 21.30 — МТ-II.

23 ИЮЛЬ, ШАНБА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Спорт ахбороти. 9.55 — «Ўсмирлар ижоди». 10.25 — «Спортлото»нинг 30-тиражи. 10.35 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.05 — «Ҳаракат ҳавфсизлиги учун». 11.35 — «Объектива — Миср Араб республикаси». 12.00 — Болалар учун фильм. «Капитан Грант болалари». 13.25 — «Қалбга яқин қўшиқлар». 13.15 — Телеочерк. 14.40 — Ҳужжатли фильм. 15.00 — «Камалак». 15.25 — «Дунё воқеалари». 15.40 — Спорт ахбороти. 16.15 — Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 16.45 —«Ҳайвонот оламида». 17.45 — СССР халқларининг ёзги VIII спартакиадаси. Синхрон сузиш. 18.10 — Концерт. 18.55 — СССР ХАЛҚЛАРИ ЕЗГИ VIII СПАРТАКИАДАСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ. 21.05— «Тэ кон эн» ансамблининг чиқиши. 21.30 — «Время». 22.05 — «Мистер Мак-Кинлининг қочиши». Бадиий фильм. 1 ва 2-серияларр. 00.40 — Янгиликлар.

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — «Агар соғлом бўлай десанг». 9.30 — «Дўстлар — ўртоқлар ҳақида». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серияларр. 11.45 — «Тонгги почта». 12.05 — КЕМЕРОВО ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 13.05— Спорт ахбороти. 13.25—Мультфильм. 13.35 — Кинокўрсатув. 14.15 — Фильм-концерт. 14.55 — Ҳужжатли фильм. 15.35 — Концерт. 16.00 — Телевизион ҳужжатли фильм. 16.10 —«Кинотомошабин ҳамроҳи». 16.55 — «Музикали киоск». 17.25 — Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. 3-фильм. 18.20 —Спорт ахбороти. 18.35—«Криминал воқеалар» туркумидан. 20.15 — Халқаро обзор. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Здоровье». 21.30 — «Время». 22.05 — Концерт. 23.15 — Телевизион ҳужжатли фильм.

УзТВ-I. 9.55 — Кўрсатувлар программаси. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Концерт. 10.50 — «Шахмат мактаби». 11.20 — «Халқ ижодиёти». 12.20 — И. Юмақулов. «Қасос». Спектакль. 13.50 — «Киноредакция почтасидан». 14.35 — «Абитуриент-83»». 18.30 — Мультфильм. 18.45 — «Китоб — бизнинг дўстимиз». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Оламга саёҳат». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05— «Чорвачилик—зарбдор фронт». 22.20 — «Ёшлик» студияси кўрсатади.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

24 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Спорт ахбороти. 9.55 — Фильм-концерт премьераси. 10.20 — «Будильник». 10.50 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.50 — «Здоровье». 12.35 — «Тонгги почта». 13.05 — «Қишлоқ янгиликлари». 14.05 — «Музикали киоск». 14.35 — «Симон Боливар — халоскор». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчиси И. Фесуненко олиб боради. 15.05 — «Бугун — савдо ходимлари куни». 15.35 — Концерт. 16.15 — Фильм-спектакль. 18.30 — «Халқаро панорама». 19.15 — Мультфильмлар. 19.40 — «Ойимқиз ва безори». В. Маяковский иштирокида бадиий фильм. 20.30 — «Саёҳатчилар клуби». 21.30 — «Время». 22.05 — Бадиий гимнастика. 23.05 — Янгиликлар. 23.10 — Спорт ахбороти.

МТ-II. 9.00 — «Зарядкага сафланинг!». 9.20 — «Мен — бугун ва эртага». 9.50 — Телевизион ҳужжатли фильмлар. 10.20 — Концерт. 10.55 —А. М. Горький. «Болалик». 11.40 — Кинолавҳа. 11.50 — Болалар учун фильм. «Ҳабиб — илонларни ўйнатувчи». 12.55 — Телевизион ҳужжатли фильмлар. 13.20 — Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари. 14.00 — «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 15.00 — «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 15.30 —Мультфильм. 15.45 — «Чехов ҳузурига саёҳат» туркумидан. 16.50 «Илк қувончлар». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 18.00 — Концерт. 20.00 —«Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Ҳужжатли фильм. 21.15 — Спорт ахбороти. 21.30 — «Время». 22.05 — «Аршин мол олан». Бадиий фильм.

УзТВ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Ҳужжатли кино экрани». 10.55 — Фильм-эртак. 11.50 — Мультфильм. 12.00 — «Қувноқ стартлар». 13.00 — «Телевизион театр почтасидан». 14.30 — «Ўзбекистон спорти». 15.05 — «Ҳаракат ҳавфсизлиги учун». 15.40 — Реклама. 18.30 — Мультфильм. 18.40 — «Ўйлаб топ». 19.10 — «Бугун — Савдо ходимлари куни». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Назм ва наво». 20.30 — «Ахборот» 20.50 — «Назм ва наво». (Давоми). 21.30 — «Время». 22.05 — «Қилич кўрқуви остида». Бадиий фильм.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

Адабиёт ва санъат

● РЕСПУБЛИКАМИЗнинг ёш тасвирий санъат ижодкорлари халқимизнинг олис ўтмиши ва бугунги фаровон ҳаётини жозибали бўёқларда акс эттириш йўлида самарали ижод қилмоқдалар. Бунга Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг марказий кўргазмалар залида яқинда намойиш этилган ёш мўйқалам усталарининг ранг-тасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва халқ амалий санъати асарлари ҳам гувоҳлик беради.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) ёш рассомлардан М. Жўрабоевнинг «Абу Али ибн Сино», Т. Миржалиловнинг «Балконда» ва Р. Ризамуҳамедовнинг «Ёмғирдан сўнг» номли асарларидан фоторепродукция.

В. Сироткин фотолари.



«БУВИЖОН ДЕМАНГ, ОВСИН...»

Бундан роппа-роса йигирма йил илгари... Биласиз, у вақтда ҳозиргидай ғип-ғилдиракмас, хипча бел, юзкўзлари тиниқ, ширингина қиз бола эдим. Оёғимдан ўт чақнайди. Ишхонамдаям обрў бисёр. Шунча эркакнинг ичида якка ўзим гулгунча бўлиб, ял-ял ёниб ишлайману, яна эътибор бўлмасинми, деб қўяман ўзимга-ўзим. Совчилар ҳам уйда тутишолмай шу ерга келадиган бўлиб қолишган. Баъзиларини менга рўбарў қилишади, баъзиларининг оёғини ерга текказмай жўнатиб юборишади. Мана, ҳозир кириб келаётган бувижоним ҳам мени ё кенжа ўғилларига, ё набираларига мўлжаллаётган бўлсалар керак. Мулозаматни жойига бир қўйворай-ки, ўзлариям бунақа лобар қизни учратмагандим, деб оғзиларидан сувлари келиб кетсин.

Шундоқ ўрнимдан туриб, ипакдай бўлиб салом бераётгандим, бувижоним чалачулпа алик олиб, хонамга олазарак қарай бошладилар.

— Ҳой, болам. Бону шу ердамилар?

— М... мен бўламан.

— Санаммассан-ку-я, бор, дарров чақириб кел.

— Менман, бувижон.

— Қоч, ўзингдан катта билан ҳазиллашма.

Қўярда-қўймай уларни юмшоққина диванга ўтқаздим.

— Нима ишингиз бор эди унда?

— Ану, балетга борган кампир ҳақида алламбало ёзган эканлар. Ўша балетга аслида ман борувдим. Улар «ман» деб ўзларини ёзворибдилар. Бунга хафамасман. Локин... Қўшниларимга ҳалиги ҳикояни ўқиб берувдим. Шу кампирни бир олиб келасиз, чақчақлашиб ўтириб кетсинлар, деб туриб олишди. Шуни айтгани келгандим. Ҳам сумалак қилаётгандик, баҳонада оғзилари тегарди.

— Қачон боришим керак?

— Нега энди сен борарсан қариялариинг ичига. Бону борсинлар. Индинга...

Хуллас, мен уларни ишонтиролмадим. Улар эса, менинг-мен эканлигимни тан олмадилар. Охири «Бону»ларига айтиб қўядиган, улар уйларида кутиб оладиган бўлдилар.

Ўша кун келди. Мен ҳам кампирлар даврасида бўлгим келганиданми, муҳарриримиздан рухсат сўраб, дарров отлана қолдим. Қуруқ бориб бўлмайди, албатта. Бозордан кексаларбоп пашмак, майиз олиб, «Кўкча даҳаси қайдасан», деб йўлга тушдим.

Адресда кўрсатилган уйга бир зумда етиб бордим. Эшикдан бундай мўраласам, маҳалла қозонида сумалак димланган. Ошхонада уч-тўртта ёш жувон ғимилдаб юришибди. Ҳойнаҳой кампирлар йиғилиб олиб ўқиш қилишаётган бўлишса керак, деб ўйлаб келаётгандим, бошқача бўлиб чиқди: равон тўла кампир. Ё тавба, ё тавба, «Яллама ёрим»ни айтишяпти. Бири патнис чалган, бувижоним эса ўйнаяптилар. Улар мени кўрдилару, ўйиндан шартта тўхтаб, олдимга келдилар.

— Ассалом алайкум, қадамларига ҳасанот.— Бирдан кутган Бонулари йўқлигини кўриб, шошиб қолдилар.

— Бону қанилар?!

— Келдим, бувижон.

— Сени бошимга ураманми?— дедилар ўқрайиб. Ёш нарсага сумалакда нима бор?! Намунча қаришга шошмасанг!

Кейин хотинлар мен томон келаётганини кўриб, уларга қараб тиржайиб қўйдилар:

— Вой, акси бўлмай қолсин-е, келиб-келиб Бонуни катта идоралари командировкага жўнатибди-я. Доно одамлар-да, ўринларига шогирдларини юборибдилар. Чиқақол, болам, сумалакка оғзинг тегсин, савоб бўлади...

Шундай қилиб, ўша куни сумалакка тўйиб, яна «Бону»нинг бир банка насибасини олиб уйимга қайтдим...

ҲИКОЯ

. . .

Бекатда троллейбус кутаверіб чарчаб кетдим. Скамейкага энди ўтиргандим, ёнимга ҳассаларини дўқиллатиб анчагина мункиллаб қолган бувижоним келдилар. Ёнларидаги набиралари бўлса керак, жиғи-бийрони чиқарди.

— Тараллабусда одамларни кўриб гаплашиб кетаман, болам, машина эса виз этади, оборіб қўяди.

Э йўқ, бе йўқ, оёғимни ҳассалари билан бир туртиб, койий кетдилар.

— Бочкага ўхшаб бунча тарвақайлаб ўтирмасанг, нариоқ сурил!

«Ҳозир, ҳозир» дея ўрнимдан тураётиб синчиклаб қарасам, ҳу ўша бувимга ўхшаб кетяптилар. Дарров қулоқ салом бериб, ҳол-аҳвол сўрай кетдим.

— Мени танийсанми?— дедилар ўтираётиб.

— Сизни яхши танийман. Шундоқ деганимни биламан, бувижоним оёғимгача разм солиб, кейин қўлларини пешоналарига соябон қилиб тикилиб қолдилар. Суюниб кетдиларми дейман, сал тутилиб қолдилар.

—С... с... сан... ўша... ҳув, ўшамисан?

Ана эсу, мана эс. Мен ҳам шошиб қолганимдан ғулдирай-ғулдирай дедим.

— М... м... мен... ўша... худди ўшаман!

«Бувижоним ўринларидан азот турадилару, кўрганларига шукур қилиб, мени бағрларига босадилар. Ҳатто кўзларидан ёш оқиб кетади!» Мен шундай кўришишга тайёр турсам... Бувижоним бошларини сал орқароққа ташлаб, худди минг йиллик қасди бор одамдек яниб гапирсалар денг:

— Ўшанда, жа кампир бўламан деб ўлиб бородинг, мана биб-бинойи кампир бўпсан-қопсану!..

Мен бўш келармидим, бувижонимга ўхшаган аёллар билан гаплашавериб, тажрибанинг бир қопини йиғиб қўйганман.

— Бувижон, бераман деса, «досрочная»м кампир бўларкансиз-қоларкансиз.

— Ҳой, энди буви деманг, овсин, ёшингиз ҳам бир ёққа бориб қопти. Ўзи қаёққа кетяпсиз?

— Учрашувга.

— Буни қаранг-а, меним байрам олдидан битта мактабга учрашувга чақиришганди. Боролмадим. Узуримни айтдим. Маҳалламда «Ошини ошаб-ёшини яшаганлар»ни тўплашяпти. Уни Собир шапка ўтказяпти. Бормасам, бўлмайди. Ҳамманинг сўзини ерга ташласам ҳам, овсинжон, уникини ташлолмайман.

— Нега энди?

— Бир вақтлар қўшнимизнинг ўғли бўлгану. «Шапка кияди», деб отам раҳматли унга бермадилар. Эшикнинг тирқишидан Собирга мўралаганим... Ўтди даврон, кўчди карвон...

Бирдан бувижонимнинг овозлари ўзгариб йиғламсирай бошладилар.

— Қўйинг, «остановка»дасиз...

Улар бирдан зийрак тортиб, менга танбеҳли қарадилар.

— Ҳали нимани биласиз, овсин, сиз «толки начинающий» кампирсиз, мендай бўлганда...— Бувижонимнинг кўнгиллари яна бузилиб кетди.— Мендай бўлганда «астанопка» билан уйнинг фарқи қолмас экан.

Улар мени қўярда-қўймай ёнларига ўтқаздилар.

— Ҳа, овсин, қиз болаликдаги муҳаббат ўт бўлиб, юрагингнинг ич-ичига жойлашиб оларкан. Вақти бемаҳал чувалчангга ўхшаб ғимирлаб қўяркан. Айниқса, Собир шапкани кўрганимда...

— Сиригизни билиб олдим,— деб кулади неваралари,— яхшиямки бувам ўлиб кетганлар, бўлмаса Собир отани дуэлга чақирармидилар?

— Жим бўл, шум така, буванг яхши одам бўлганлар, маҳаллада биринчи бўлиб мени театрга олиб борганлар.— Бувижоним менга ўгирилдилар — бунинг гапини қўяверинг, овсин. Мана сиз ёшлар билан учрашгани кетяпсиз. Ҳойнаҳой улар, дилвизордагига ўхшаб анчамунча саволлар беришса керак. «Муҳаббат қарилардаям бўладими?» деб сўрашса, айтинг: муҳаббат бор нарса, асл муҳаббат қаригандаям сақланиб қолади», деб жавоб беринг. Мабодо ишонишмаса, олдимга келишсин.

— Хўп бўлади, бувижон.

— Яна бувижон дейсиз-а, овсин!..

— ...

Яйра САЪДУЛЛАЕВА.

Янги шеърлар

ТОШКЕНТ ТОНГОТАРИ

Тинчлик туғин кўтарган эрксеварлар сафида
Менинг ҳам Тошкентим бор, яъни муборак пойтахт.
Гарчи камони Шоший[1] — кечмишлар шарафида,
Бироқ, яратишлардан тикланган бу кунги бахт.

Тошкент-ку «Шаҳри нон» деб тилларда достон бўлди,
Минг жаннат бунёд ахир қайга қадалса бир чўп.
Букун ҳам ҳар ён чаман ва ҳаммаёқ нон бўлди,
Кексалар барибир дер: ушоғин топғилу ўп!

Кўрганман: вокзалда айюҳаннос бошланар
Ҳар куни гўдакларнинг оҳу нолаларидан.

Сўрайман: қайдасиз, деб, нидо беринг, ошналар,
Ўша қирқ биринчи йил Тошкент болаларидан.

Бу лаҳза тонгни бошлаб ғубордан форғ офтоб
Қошимизга шошади бошда олтин тож билан.
Шабнамлар ўча бошлар кўздан қувилгандай хоб,
Мен Музани тилайман шеърий эҳтиёж билан.

Сен — мўйсафид Тошкентнинг эй, гўдак фуқароси,
Туғилган шу онингдан янги ҳисоб бошланур.
Бу қутлуғ солноманинг икки минг йил ораси,
«Авесто»га вобаста янги китоб бошланур.

Яна тонготар келди, келди мунаввар дамлар,
Тун-кеча зулматлари нур олдида бўлди гум.
Салом, онажон шаҳрим, салом, азиз одамлар,
Саҳарга етган Дунё, ассалому алайкум!

Анвар ИСРОИЛОВ.

1. Тошкент қадимда ўз ўқ-ёй — камонлари билан машҳур бўлган.

СЕВГИ БЕРГАН КЎЗ

Бир бола туғилди онадан кўзсиз,
Ёруғ дунёни у пайпаслаб билди.
Ожиз кўзларида гўзаллик чексиз,
Жарангла оламни тасаввур қилди.

Томир-томирида оқарди жаранг
Оҳангдан иборат дунё оромиқ.
Булбуллар кўринмай таратар оҳанг
Сўзларда тингланар борлиқнинг номи.

Балоғат ёшига етганда бир кун,
Қулоғига келди майин бир товуш.
Дунё шу товушдан иборат бутун,
Бу ҳақиқат эди, эмас эди тун.

Пайпаслаган қўлда майин бармоқлар,
Думоғига урилар илиқ бир нафас.
Лаблари олдида ширин дудоқлар
Қани бир умрга бўлса ҳамнафас.

Муҳаббат аталмиш сирли бир олам,
Оғушига олганди икки юракни.
Қизга писанд эмасди ожизлиги ҳам,
Мустаҳкам қилганди орзу-тилакни.

Қадаҳ жарангида диллар қовушди,
Муҳаббат мулкидан келди бир фарзанд.
Икки бош баробар унга оғишди.

Ўғилки чақноқ кўз дилларга пайванд.
Ўғил ўсди аста, бўлди ўспирин,
Отага кўз бўлиб етаклаб юрар.
У билан англайди рангларнинг сирин,
У билан гўзаллик завқини сурар.

Севги созин билан қалбини чертган,
Ожиз кўзларига берган қароқлар,
Қоронғу оламга умрин бахш этган,
Буюк қалб аёлни севиб ардоқлар.

Бир сўз дилида айланар бот-бот:
— Бунча сахий экан аёл деган зот.

Ҳайдар МУҲАММАД.

ШИНГИЛ ҲИКОЯ

КЕТМАЙДИГАН БЎЛДИ

ОИЛА жанжалсиз бўлмайди, албатта. Бундай пайтларда Собира йиғлаб уввос солади, онасиникига аразлаб кетиб қолмоқчи бўлади. Хотинини жонидан ҳам ортиқ кўрадиган Жамшид эса уни ялиниб-ёлвориб йўлдан қайтаради. Эркалаб, ҳазил-мутойиба қилиб овутади. Бироқ ҳар сафар ялиниб-ёлвориш Жамшиднинг жонига тегди. Бугун ҳам арзимаган нарсадан чиққан жанжални деб Собира буюмларини йиғиштира бошлади.

— Кетаман, оймнинкига. Бундай яшагандан кўра, эрсиз яшаганим яхши,— деди дағдаға билан.

— Кетсанг, кетавер,— деди бунга жавобан Жамшид зарда билан.— Бас, етар, шунча чидаганим!..

Хотини бу гапни эшитиб йиғидан тақа тўхтади. Бир зум эрига бақрайиб қараб қолди. Сўнг туфлисини, пальто ва жемперларини ева бошлади.

— Бугун кеч бўлиб қолди. Эртага кетаман. Албатта, кетаман,— деди у қатъий.

Аммо у эртасига кетмади, индинига ҳам...

Абдусамад АБДУЛҲАҚОВ.

Китоблар оламида

«УМИДЛИ ДУНЁ»

ЖУРНАЛИСТ Аҳмаджон Мелибоевнинг «Ёш гвардия» нашриётида 1982 йилда чоп этилган «Умидли дунё» китобини ўқидиму бир муддат ўйланиб қолдим. Хаёлимда Улуғ Ватан уруши йилларидаги оғир машаққатлар, бир бурда нон дея жон берган болакайлар, ёндирилган шаҳар ва қишлоқлар, бугунги кунда капиталистик дунёдаги чўнтагини қаппайтираётган «совуқ уруш» малайлари, минглаб-миллионлаб уруш қурбонлари-ю жаҳон халқларини ташвишга солиб, хилма-хил уруш қуролларини яратаётган урушқоқлар ва ниҳоят сўнгги урушнинг қурбонларини ҳамон орзиқиб, кўзлари тўрт кутаётган онажонлар, севимли ёрлар, фарзандлар... жонланди.

Тўпламдаги очерклар китобхонни давр ва замон ҳақида ўйлашга, дунё тақдирига бефарқ қарамасликка ундайди.

Ёзувчи очеркларидан бирини «Сўнгги уруш» деб атайди. У Улуғ Ватан уруши йилларидаги фашизмнинг асл башарасини бор бўйи билан кўрсатади, унинг тубанлигидан жирканади ва фашизмга нисбатан китобхонда нафрат уйғотади.

А. Мелибоевнинг публицистик мақола ва очерклари шу кунниг муҳим воқеалари ҳақидадир. Бир очеркида у «Империализм қотилликда айбланади», дейди баралла. «Инсоният ҳақ-ҳуқуқ ва адолат судининг қора курсиси жаноб империализмни кутиб турибди. Жамики қилмишлари, хунрезликларнинг ҳисоб-китоби яқин», дейди муаллиф яна бир очеркида. Адиб «Инсон ишонч билан яшайди» туркумига кирган асарлари билан тинчлик қўшиғини куйлайди, бу қўшиқни ер юзидаги барча халқ ва элатлар баралла куйлашига умид қилади. Тинчлик кабутари бепоён само саҳнида кумушдек товланиб парвоз қилишини истайди.

Тўпламнинг «Иқбол сўқмоқлари» туркум очеркларида муаллиф қайси мавзуни қаламга олмасин, унинг моҳиятини ўрганишга ҳаракат қилади. Замонавий мавзудаги очеркларда қаҳрамонларини бир ўқишда севиб қоласиз. Уларнинг бири — комсомол ветерани, бири — чўлқувар, бири — пахтакор, раис, ишчи, профессор...

Машҳур ёзувчи Чингиз Айтматовга бағишланган «Узоқ кутилган меҳмон» очерки ғоят жозибали. Муаллиф бу асарни ёзишда чинакамига изланган, тер тўккан, қидирган, топган.

Аҳмаджон Мелибоевнинг публицистик мақолалари, очерклари ҳаётнинг барча жабҳаларидаги янгиликларни эътироф этишга, эскирган, увадаси чиққан нарсаларни фош этиб кўрсатишга хизмат этиб, китобхонлар эътиборини ўзига тортаётир, кўпчиликке манзур бўлаётир.

М. ПИРМАТОВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

ҚЎЛДА ДОИРА БИЛАН...

Халқ талантлари

МУЗИКА мактабидаги дарсларини тугатиб, уйга қараб йўл олган Бахтиёр Тошкентдан қайтган ўқувчиси Алишер Назировни учратиб қолди. Шогирдининг юз-кўзидан шундоққина севинч аломатлари балқиб турар, ўзининг чексиз қувончини баҳам кўриш учун ўқитувчисига дуч келганлигидан беҳад мамнун эди.

— Ҳа, Алишер? «Санъат байрами»дан қайтдингми? Ишлар қандай бўлди? — деб сўради устоз шогирдга синовчан тикилиб.

— Тағин мени ғолиб деб топишди...

Бахтиёр ўз шогирдининг республика мактаб ўқувчиларининг «Санъат байрами»да актив қатнашиб, учинчи бор ғолибликни қўлга киритганлигидан беҳад мамнун бўлди. У уйга етгунга қадар бу қувончли хабар оғушида енгил қадам ташлаб борди.

Бахтиёр Йўлдошев Паркент қишлоғидаги ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ музика санъатига, айниқса, доира чалишга астойдил ихлос қўйди. Турли кеча ва учрашувларда у доира чертиб, кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлар, бу эътибор уни эл-юртга танилган санъаткор бўлишга руҳлантирарди.

Эзгу орзу уни 1963 йили Тошкентдаги Глиэр номли музика мактабининг халқ чолғу асбоблари бўлимига етаклади. Бу санъат даргоҳида у кўп нарсаларни ўрганди. Сўнгра Бахтиёр ўз билимини ошириш учун М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясига ҳужжат топширди. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган Б. Йўлдошев студентлик шарафига муяссар бўлди. Бахтиёр бу таълим даргоҳида, айниқса, устози, профессор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Аҳмад Одиловнинг катта эътиборидан баҳраманд бўлди. Таниқли педагог Бахтиёрга доира чалиш санъатининг ўзига хос сирларидан сабоқ берди.

Б. Йўлдошев консерваторияда таҳсил кўриш билан бирга турли кўрик-конкурсларда ҳам актив қатнаша бошлади. У созанда ва ижрочиларнинг 1 республика конкурсида Шуҳрат Йўлдошев, Фазилат Шукурова сингари санъаткорлар билан ёнма-ён иштирок этиб, конкурс лауреати бўлди. Айниқса, 1968 йилда Москвада ўтказилган IX жаҳон ёшлари фестивали Б. Йўлдошев ҳаётида энг унутилмас воқеа бўлиб қолди. Бу фестивалда Бахтиёр ўзбек халқ музика санъатисадолари жаранглаб, томошабинларни мафтун этди. У студентлик чоғларида республикамизнинг қатор шаҳар ва қишлоқларида ҳам ўзининг истеъдод ва маҳоратини намойиш қилиб, Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг 1 даражали дипломи ва республика ЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Б. Йўлдошев 1975 йили консерваторияни битиргач, М. Турғунбоева номидаги Ўзбекистон ССР Давлат хизмат кўрсатган «Баҳор» халқ рақс ансамблига ишга кирди. Бу доврўғи дунёга кетган профессионал бадиий коллектив сафида бўлишни ҳар бир санъаткор орзу қилади, албатта. Б. Йўлдошев машҳур ансамбль санъаткорлари қаторида ижод қилишни катта шараф деб билди, тажрибали ижрочилардан санъат сирларини қунт билан ўрганишни давом эттирди.

— «Баҳор» халқ ансамбли мен учун улкан ижодий мактаб бўлди, — дейди Б. Йўлдошев. — Бу коллективда ишлар эканман, СССР Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР халқ артисти Қаҳрамон Дадаев, республикада хизмат кўрсатган артист Одил Камолхўжаев каби тажрибали санъат усталари билан кўп бор ижодий мулоқотда бўлиб, уларнинг бой тажрибаси ва қимматли ўгитларидан баҳраманд бўлишдек бахтга эришдим...

Айни кунларда Бахтиёр Йўлдошев ўзи туғилиб ўсган Паркент қишлоғидаги Юнус Ражабий номли район музика мактабида меҳнат қилаётир. У ўзининг санъатдаги чуқур билим ва тажрибасини шогирдларига қунт ва сабот билан ўргатиш билан бирга район маданият уйининг «Паркент гуллари» ҳаваскорлик ансамблининг фаолиятида ҳам иштирок этмоқда. Қишлоқ санъаткорлари дала меҳнаткашлари — пахтакор, чорвадор, соҳибкор ва сабзаворкорлар ҳузурида тез-тез янги концерт программаларини намойиш қилиб туришади. Б. Йўлдошев ҳам ўз санъати билан ансамбль эътибори ва ёш ижрочилар маҳоратининг ошишига бош-қош бўлмоқда.

Истеъдодли санъаткорнинг таълим ва тарбиясидан баҳраманд бўлган музика мактабининг кўпгина ёшлари область, республика миқёсида ўтказилаётган «Санъат байрам»ларида муваффақиятли иштирок этиб, юқори ўринларни қўлга киритмоқдалар. Хусусан, А. Назиров ёш доирачилар баҳсида сурункасига учинчи марта ғолибликни эгаллаган бўлса, Б. Йўлдошевнинг Дилмурод ва Равшан исмли укалари ҳам акалари изидан бориб, айни кунларда Тошкент Давлат маданият институтининг халқ чолғу асбоблари факультетида таълим олмоқдалар.

Ҳаётини санъатга бағишлаб, эл-юрт орасида ўзининг ҳақиқий истеъдоди билан катта эътибор қозонаётган ва муносиб шогирдлар тайёрлаётган Б. Йўлдошевнинг ижодий режалари ҳали жуда катта. Биз бу эзгу истакларнинг амалга ошишига тилакдошмиз.

С. МАТЕҚУБОВ.

● ФУТБОЛ

ПЕШҚАДАМЛАР МАҒЛУБИЯТИ

Иккинчи давраннинг иккинчи тури пешқадамлар учун омадсиз бўлди. Жадвалда карвонбошилик қилаётган «Черноморец» ҳам, кейинги ўринларни эгаллаб турган «Пахтакор», «Жальгирис», «Зенит» ҳам мағлубиятга учради. Пойтахт спартакчилари «Черноморец»ни йирик 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Гаврилов учта тўп киритди.

«Пахтакор» «Днепр» билан бўлган ўйинда мағлубиятга учрашининг сабаби футболчиларимиз биринчидан, чарчаганлиги сезилган бўлса, иккинчидан, рақибининг кучига тўғри баҳо бера олмаганлигида бўлди. Қолаверса, «Днепр» футболчилари тўпнинг аниқ оширишда маҳорат кўрсатсалар, майдонга эгалари бир-бирларига нисбатан нари борса, тўртинчи марта тўп узатганда хатога йўл қўйдилар. Биринчи бўлимнинг сўнгги минутида эътибордан четда қолган «Днепр» марказий ҳимоячиси А. Дилай киритган ягона тўп ўйин тақдирини меҳмонлар фойдасига ҳал қилди.

«Жальгирис» Бокуда «Нефтчи»га 0:3 ҳисобида ютқазган бўлса, «Зенит» ўз майдонида «Шахтёр»дан 0:2 ҳисобида енгилди.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ I. 9.00 — «Время». 9.40 — Телевизион ҳужжатли фильм. 10.00 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.30 —«Спорт-лотоннинг 29-тиражи. 10.40 — «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.10 — «Ёзувчилар тинчлик учун курашда». 12.05 — «Ёшлар адреслари». 12.35 — «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 12.55 — «Ғолиблар». 14.25 — «Камалак». 15.00 — «Дунё воқеалари». 15.15 — «Дўстларимиз чеҳраси». 16.00 —«Мардлик қонунига биноан». 16.25— Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 16.55 — «Мўъжизасиз— мўъжизалар». 18.00 — Концерт. 19.15 — «Елканлар остидаги ўлим». Телевизион бадиий фильм. 1-ва 2-серияла. 21.30 — «Время». 22.05 — «Кўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». 00.10 — Янгиликлар.

МТ II. 9.00—Эрталабки гимнастика. 9.15 — «Агар соғлом бўлай десанг». 9.30 — «Тонгги почта». 10.00 — Ҳужжатли фильмлар. 10.30 — Халқ чолғулари садолари. 11.15 —«Излаш ва қутқариш». Телевизион бадиий фильм. 2- ва 3-қисм. 13.05 — Ҳужжатли фильм. 13.25 — Марказий телевидение совринлари учун жойни мўлжалга олиш бўйича мусобақалар. 13.50 — «Музикали киоск». 14.20 —Эстетик тарбия. 14.50 — УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 16.15 — «Ҳаётга йўлланма». 17.05 — Фильм-концерт. 17.25 — Телевизион ҳужжатли фильм. 17.40 — СССР халқларининг VIII Ёзги Спартакиадаси. Академик эшкак эшиш. 18.10 —«Буюк халқ ҳақиқати». Кўп сериляли телевизион ҳужжатли фильм. 2-фильм. 19.10 — «Халқаро обзор». 19.25 — Фестиваллар. Конкурслар. Концертлар. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Здоровье». 21.30 —«Время». 22.05 «Бемаҳал келган одам». 23.40 — СССР халқларининг VIII Ёзги Спартакиадасида.

ЎзТВ I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телевизион миниатюралар театри. 10.55 — Мультфильм. 11.15 — «Светофор». 12.15 — «Ўз ихтиёри билан». Бадиий фильм. 13.25 — «Иккинчи истеъдод». 14.10 —Ўзбек шоирларининг янги таржималари. 14.30 — «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак». 18.05 — Мультфильм. 18.30 — «Тенгдош». 19.00 — «Сиҳат-саломатлик». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Қозлар орасида». Манзарали фильм. 20.00 — «Ўзбекистон Давлат санъат музейи заллари бўйлаб». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Шанба тароналари». 21.30 — «Время». 22.05 — «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.25 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 23.25— «Футбол чорраҳаларида». 24.00 — Кўрсатувлар программаси.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент область комитети ва халқ депутатлари Тошкент область Советининг органи

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент — П,
ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хат..ар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р—02012. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС: 64684. Б—1642.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 ~~10~~ 11 12